Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 9 декабрь 1973 йил, якшанба ◆ № 288 (15.762). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ЧОРВАДОР, ҚИШЛОВНИ БЕХАТАР ЎТКАЗ!

Файзихон ҚУНУСОВ,
Самарқанд область Нурота районидаги «Қизилча» совхозининг бош чўпони.

Файзихон Қўнусовнинг касби чорвадор — бош чўпон, бу касб унга отаси Қўнус ога Шампановдан мерос бўлиб ўтди. Уналари Райхон ва Дўвурхон Қўнусовлар ҳам чўпонлик қилади. Қўнусхон оғанинг оиласини чорвадорлар сулоласи деб ҳурматлашади. Бойси, уларнинг ҳаммаси сут, гўшт, қорақўл тери, жун ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш билан шуғулланади. У 1973 йилда отаридаги ҳар 100 бош совлиқдан 185 тадан соғлом қўзи олди, 422 та қўзини ўстиришга қолдирди, қорақўл тери, жун топшириш планини ошириб бажарди, ҳар бош қўйдан 4 килограммдан жун олди. 1974 йилда ҳар 100 бош совлиқдан 200 тадан ошириб қўзи олишга азму қарор қилди.

Партия ва ҳукуматимиз коммунист бош чўпон Файзихон Қўнусовнинг қўйчиликни ривожлантиришдаги хизматларини юксак баҳолади, у Ленин ордени, Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари билан мукофотланди. Самарқанд область Совети депутатлигига сайланди.

Файзихон Қўнусов КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг қарорига жавобан 1973-1974 йиллар чорва қишловини бехатар ва чиқим сиз ўтказиш, отаридаги ҳамма қўйларнинг юқори семизликда бўлишини таъминлаш, келгуси йилда совлиқлардан кўплаб эгиз қўзи олишга мустаҳкам замин яратиш мажбуриятини олди. Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси ташкил топган кунинг 50 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилган моҳир бош чўпон Файзихон Қўнусов шу кунларда Нурота ййловларида ўз отаридаги қўйларни меҳр билан парвариш қиляпти.

Қўйда унинг республикамиздаги барча чорвадорларга ёзган хатини ўқийсиз.

Азиз чорвадор дўстлар, ҳамкасб ўртоқлар! Республикамиз халқи ғоят жўшқин, абадул абад ёдда қоладиган кунларда яшамоқда, улуғ айём— Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси ташкил топган кунинг 50 йиллигини нишонлаш учун тайёргарлик ишларини кучайтирмоқда, шонли санага муносиб тўёналар тайёрламоқда. Бу умумхалқ курашида голибона қадамлар билан олга бориш, бугун кечагидан, эртага бугунгидан каттароқ зафарларга эришиш биз — чорвадорларнинг ҳам муқаддас бурчимиздир.

Қишлов — чорвадорлар учун синов! Озуқаси мўл, иссиқ бинои бор, суви етарли, ййловларида ўт кўп чорвадорлар учун қишлов хавфли эмас. Лекин тарадду-ди сут, чорва моллари ориқ кишилар нуқсонларини дарҳол тўгатишлари керак, акс ҳолда 1969 йил қишлови давридагидек ер чизиб қолишлари мумкин. Қанча ем-хашак жамғариб, уни қандай жойларда асраяпмиз, қиш қаттиқ ва узоқ келса резервимиз борми, ҳар бош қорамол ёки қўйга, бузоқ ёки қўзига кунига қанча ем-хашак тўғри келади, сув ингшоотлари доғда қолдириб қўймайдими, ориқ чорва моллар қанча, ўртача семизликдагиларичи, уларни тезроқ семиритириш учун нималар қилиш керак? Иссиқ бинолар етадими? Қўй-қўзиларни ҳаво илиқ кунларда боқишга мўлжаллаган ййловларимизнинг ҳолати қандай? Чорвадорларнинг оила аъзолари иссиқ кийим-кечаклар билан тўла таъминланганми? Масаланинг бу томонларини тезда атрофлича таҳлил қилмоғимиз керак. Ютуқларни мустаҳкамлаш, камчиликларни тугатиш чораларини кўриш муҳим вазифа.

Мен бошлиқ бўлган отарда 555 бош қўй бор. Бу ишнинг масъулияти асосан уч кишига топширилган. Бундан ташқари икки ёрдамчи ҳам берилган. Ҳар бош қўйнинг қишловига ўртача 2 центнердан тўймли хашак жамғариб қўйдик, аслида бир центнери кифоя қилади. Халқимизда: «озуқали от ҳоримас» деган мақол бор. Шунга риоя қилиб иш тутдим. Бундан ташқари ҳар бош қўй ҳисобига яна бир центнердан резерв хашак бор. Концентрат ҳам етарли. Қўйларимнинг ҳаммаси юқори семизликда. Қарироқ, семизлиги яхши бўлмаган совлиқларга охур қилинган. Бу қўйларни боқиш тартиби бошқача. Бир кеча-кундузда ҳар бирига ўрта ҳисобда 200-400 граммдан берилади. Икки килограммдан увитилган ва димланган юмшоқ хашак едирилади. Қўйлар қўлда эрталаб соат 7-8 ларда 200 граммдан ем ва 1 килограммдан майдаланиб димланган хашак ейди. Кеч соат 7-8 ларда эса шунча миқдорда ем ва юмшоқ хашак ҳам едириб борилади. Шундай қилиб, биз емхўр қўйларни бир меъёрда семиритириб бориш билан бирга, этигда туширмаймиз. Дағал хашакларни машинада майдалаб, димлаб едириб, тез семиришини таъминлаймиз. Бунинг учун аввало, дағал хашак ДКУ аппаратида майдаланади, ун қилинади. Олдинлари хашак ғарам қилинарди, қўйга сочиб едиларди. Биз бунга аллақачонлар барҳам бергандмиз. Отаримизда 500-700 килограмм хашак сиғадиган цементдан ишланган мослама қилинган. Бунда хашак димланади. Димлаш 8-10 соат давом этади. Биз хашакни сақлаш ва сарфлашга мана шундай катта аҳамият берамиз. Пресслангандек сердон қилиб ййлов ёнида сақланадиган хашакнинг бир граммнинг ҳам нобуд бўлишига сира йўл қўймаймиз. Мана шу йўл билан ҳар бир қўйнинг тез ва соғлом ўсишига, семиришига имкон яратамиз. Устиришга қолдирилган 422 та қўзини янги тузилган отар чўпонига топширдим. Қўйхонам сифатли ремонт қилинган, суғориш тармоғи яхши ташкил этилган. Хашакни ДКУдан чиқариб, қўйхона ёнига келтириб қўйганман. Энг муҳими, қўйларни ҳаво илиқ ва ёғинсиз кунларда табиий ўти ўриб олинмаган ййловларда кечаси ва кундузи ўтлатиш режаларини белгилаб олдим.

Қўй-қўзилар одатда юриб ўтлайди. Ҳар кеча-кундузда 20 километргача йўл босиб ўтлаши мумкин. Емхўр бўлмаган қўйларни кечаси боқиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Буни мен бир неча йилдан бери ўз тажрибамда синовдан ўтказганман. Кечаси боқиш вақти шундай: кеч соат 10 дан эрталаб соат 8 гача боқиш муддатини белгилаш лозим. Агарда ҳаво яхши, булут бўлмаса ва шамол эсмаса, унда узоқ ва серўт ййловга олиб кетиб боқиш зарур. Бордию, совуқ, изғирин бўлса, қўйларни қўра атрофларида боқиш мақсадга мувофиқдир. Мен кечаси одатда қўйни ётқизмайман, емхўр бўлмаган қўйларни ўзим боқиб, этига-эт қўшишга ҳаракат қиламан. Чунки, қўй асосан кечаси семиради. Бу, тажрибадан маълум. Ҳайдовдаги қўй кечаси хашакни битта қолдирмай ейди. Донли ва қаттиқроқ хашакни ҳам еб юриб, ҳазм қилади. Эрталаб соат 8 дан кундузи соат биргача ёрдамчи чўпон қўй боқади. Бунда қўй суғорилади. Сувдан кейин кеч соат 7 гача яна боқилади. Уч соат дам олдириб, яна кечаси боқишга тўғри келади. Боқиш вақти соат 10 дан бошланади.

Чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, эгиз-эгиз қўзи олиш чўпоннинг ўзига боғлиқ. Чўпон қўй боқишда кеча-ю кундуз ўзи бўлиши шарт. Биз қишлов жойида яхши жмоат қуриб олганмиз, қиш кунлари оиламиз билан кўчиб бориб, ў ерда қишловни ўтказамиз. Декабрь ойида ўрта семизликдан паст қўй-қўзи бўлмаслигига ва ўрта семизликдан юқори бўлганларини эса ўз ҳолида сақлаб қолишга эришамиз. Қишлов даврида 90-100 кун қўйларни қўлда боқиб, битта ҳам тўёқнинг нобуд бўлишига йўл қўймадик ва қўймаймиз. Қўзилатиш мавсумини муваффақиятли ўтказамиз.

Касбдошларимдан Сирож Усаров, Мардон ва Жаҳонгир Пўлатовлар, Тошқул Ўнгаров, Файзимурод Аҳмедов каби бош чўпонларга қарашли отарлардаги тайёргарлиқ ҳам шундан далолат бермоқда.

Совхозимиз фермаларида 45.100 бош қўй бор. Бу йил ҳар 100 совлиқдан 136 тадан қўзи олдик. Хўжалик қорақўлчилик тарихида биринчи марта шундай муваффақият қўлга киритилди. Давлатга 18.200 та юқори сорт тери топширилди. 13.800 та қўзи эса ўстиришга қолдирилди, урғочи қўзиларнинг ҳаммаси асраб қолинди.

Кўпгина чорвадорларимиз орден ва медаллар билан мукофотландилар. Қишловни муваффақиятли ўтказиш — ана шу мукофот учун билдирилган миннатдорчилик, партия, халққа берилган сўзнинг устидан чиқишдир. Совхозимизда ҳисоб-китоб қилиб кўрдик, отарларимизда 77 бош чўпон ва 154 ёрдамчи чўпон иш олиб боради, уларга 152 коммунист, 200 комсомол аъзоси, касаба союзнинг 720 активи фаол ёрдам беради. Ҳамма ўзини қишловнинг кўнгилдагидек ўткаэишлошига муайян даражада алоқадор деб билсин, шунда ишимиз юришади.

Қишловни ўтказиш ҳам қийин, ҳам осон, кўп йиллик тажрибада шунга ишонч ҳосил қилдик. Қишлов ёлгиз чўпон-чўлиқлар, молбоқарлар, йилқибоқарлар, туябоқарлар, паррандабоқарларга ташлаб қўйилса қийин бўлади, албатта. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, астойдил фидоийлик кўрсатса юк енгил кўчади, манзил қисқаради. Кекса чўпонлар катта карвоннинг синовдан ўтган ажойиб карвонбошиларидир, улар чорвачилигимиз, хусусан, қўйчиликгимизнинг ноёб кишиларидир. Уларнинг тажрибасини қишлов даврида кенг қўллайлик. Ёшларимиз яхши ишласа, ақл-заковат билан қийинчиликларни енгса қарияларимиз қувонади, садоқатли ўринбосарларимиз бор деб фахрланади.

Совхозимиз синов даври—қишловга 11 минг тонна хашак жамғариш билан кирялпти, бу, ўтган йилдагидан 3,5 минг тонна кўп. Ҳар бош қўйга икки центнердан хашак тўғри келади, концентрат ҳам бор. Лекин ем-хашак ёки чорвадорлар ибораси билан айтганда, озуқа жамғариш — ишнинг бошланишидир, ундан оқилона, исрофгарчиликка йўл қўймасдан фойдаланишимиз керак, сарфланаётган озуқанинг ҳар килограмми чорва моллари семиритириш, маҳсулот миқдорини кўпайтиришга қандай таъсир кўрсатаётганини қунма-кун ҳисоб-китоб қилиб бормоғимиз зарур. Хўжалигимиз бўйича тўпланган рауқа масъул кишилар ихтиёрига акт билан топширилди, улар бу қиматбаҳо бойликнинг ҳар килограмми учун жавоб беради, тежамкорлик билан иш тутган кишилар қишлов ўтиб бўлгандан кейин рағбатлантирилади.

Бироқ шуни айтиш керакки, ҳамма жойда ҳам ййловлардан, жамғарилган ем-хашакдан қониқарли фойдаланиляпти деб бўлмайди, бу муҳим масалага масъулиятсизлик билан қараётган, жавобгарликни сезмаётган, қишловнинг мураккаб шароитини тўла ҳисобга олмаётган чорвадорлар, мутахассислар, хўжалик раҳбарлари йўқ эмас. Айрим хўжаликларда озуқа жамғариш плани бажарилмаган, биноларнинг қишга мослаштириб ремонт қилинмаган, хашак ДКУдан ўтказиб қўйилмаган, активлар отарлар ва фермаларга биркитиб чиқилмаган, чорвадорлар, хусусан, чўпон-чўлиқлар, уларнинг оила аъзолари иссиқ кийим-кечаклар билан тўла таъминланмаган. Бунинг устига қишлов жойларида одамлар кам ишлаяпти, уларнинг меҳнати кўнгилдагидек ташкил этилмаган, иш унуми паст. Аҳвол тузатилмаса қорасовуқ тушиб, ёғингарчиликлар бошланганда ўтган йиллардаги ачинарли вазиятга тушиб қоламиз-ку!

Қишлов бепарволик, сусткашлик, эътиборсизликни ёқтирмайди. Ҳозир ҳаво илиқ бўлиб тургани билан эртага қаттиқ совуқ тушиши, ёмғир, қор ёғиши мумкин. Ўтган йиллар қишлов кезларида бир тунда қор қаттиқ ёғиб, отарлар, фермалар, ййловларни босиб қолганини, йўллар, кўприкларни топа олмай кўп қийинчиликларга дуч келганимизни нақотки унутсак?!

Молбоқар, сигир соғувчи, чўпон ёки паррандабоқаргина ўзини чорвадор деб атамайди, районларнинг марказлари, посёлкалар, ййловлардаги қишлоқларда истиқомат қилувчи кишиларнинг ҳаммаси чорвадордирлар. Улар ҳам қишлов даврида белни маҳкам боғлаб, жамоат чорвачилигини ривожлантиреётган, маҳсулот етиштиришни кўпайтираётган кишиларга ёрдам бермоқлари даркор. Ҳамма отланган курашда коммунистлар, комсомоллар, касаба союз аъзолари, Олий Совет ва маҳаллий советларнинг депутатлари авангардлик, ташкилотчилик ролини ўйнашлари лозим. Қишловни ғоят намунали ўтказишга ҳисса қўшиш бутун жамоатчиликнинг муқаддас бурчидир.

Чорвачиликда ғалабага эришувнинг бирдан-бир ягона ва қатъий йўли меҳнатдан қочмасликдир. Ййловларнинг ёзи иссиқ, қиши совуқ бўлади. Шунга чидаган чўпон-чўлиқ доғ чиқаради. Қишлов қийинчиликларсиз бўлмайди унга чидаш, мардлик, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиш керак. Ахир, силлиқ ип ҳам тўғри игнанинг кўзидан осонликча ўтмайди-ку! Эҳтимол озуқа, хусусан, ем етишмай қолар, эҳтимол сув ҳам бўлар, йўлларни қор босар, кўприкларни сел олар... Ҳаммасига шай турайлик, ҳамкасбларимиздан бирор кишининг бошига ташвиш тушса, ночор аҳвол юз берса, дарҳол кўмаклашайлик!

Чорвадорлар, қаерда хизмат қиладиган ишларидан қатъи назар, ғамхўрлик ва эътибор билан қуршаб олинишлари керак, уларнинг толиқмай ишлашлари учун ҳамма шароитлар яратиб берилиши лозим. Отарлар, фермаларда иссиқ овқат мунтазам бўлсин, чорвадорлар иссиқ чойдан бенасиб қолмасин. Қишлов даврида савдо, медицина, маданий-маиший хизмат кўрсатиш отарлар ва фермаларга кўчирилсин, санъаткорларимиз ҳам шу жойларга келиб, маданий хизмат қилишсин.

Партия ташкилотлари пахта йиғим-терими даврида теримчилар ва механизаторлар орасида нечоғли самарали ишлар олиб борган бўлсалар, қишлов даврида отарлар ва фермаларда ҳам шундай ишлар олиб бормоқлари, пропаганда ва агитациянинг энг таъсирчан форма ҳамда методлари орқали чорвадорларни, хусусан, ййлов баҳодирларини янги меҳнат зафарларига илҳомлантирмоқлари зарур.

Халқимизда «олтин ўтда одам меҳнатда синалади», деган мақол бор. 1973 — 1974 йиллар қишловини муваффақиятли ўтказиш барчамизнинг шон-шараф ишимиз, гражданлик бурчимиздир, айни кезда бу, партия ва ҳукуматимизнинг қарорига амалий иш билан берган жавобимиз бўлади.

Ҳаммамиз чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиш учун курашайлик!

Суратда: Муҳаррам Ризқулова. Бу меҳнатсевар аёл Тошкентдаги 3-тикувчилик фабрикасида узоқ йиллардан бери ишлаб, топшириқларни муттасил ошириб бажармоқда. Шу кунларда эса 1974 йил ҳисобига меҳнат қиляпти.

А. Тўраев фотоси.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети КПСС XXIV съездининг 1957 йилгача ёзилиб тарқатилган давлат заёмлари облигациялари пулини муддатидан олдин тўлаш тўғрисида қабул қилган қарорларини ҳамда «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган давлат беш йиллик плани тўғрисида»ги СССР Қонунини бажара бориб, «Аҳолида бўлган давлат заёмлари облигацияларининг пулини тўлаш тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Шу қарорга мувофиқ, облигацияларнинг пулини тўлашни 1948 йилда чиқарилган давлат икки процентли заёмидан бошлаш кўзда тутилади. Шу заёмнинг облигациялари пули 1974 ва 1975 йилларда ҳар йили 1 миллиард сўмдан тўланади. Облигацияларнинг пулини тўлаш биринчи тиражи 1974 йилнинг декабрида бўлади.

Кейинчалик аҳолида бўлган давлат заёмлари облигацияларининг пули шу заёмлар чиқарилиш навбатига қараб тўланиб боради.

Облигациялар пулини тўлаш учун тиражлар ўтказиш ва шундай облигацияларнинг ҳақини тўлаш тартибини белгилаш СССР Молия министрлиги билан СССР Давлат банкига топширилди.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон пойтахти жамоатчилиги Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиқовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилиши билан уни самимий қутлади. 7 декабрда Тошкентдаги билимлар уйида ана шу воқеага бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Органик химияни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан академик Обид Содиқович Содиқовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони ўқиб эшиттирилади. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин О. С. Содиқовга юксак мукофотларни — Ленин орденини ҳамда «Ўроқ ва Болга» олтин медалини топширди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги В. П. Шеглов, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг профессори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси И. А. Райкова, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали президиумининг раиси, тарих фанлари доктори С. К. Камолов, А. Навоий номли Самарқанд давлат университетининг ректори профессор А. К. Отахўжаев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти И. М. Мўминов академик О. С. Содиқовни юксак мукофот билан табриклайдилар.

Академик О. С. Содиқов ўз фаолиятига юксак баҳо берганликлари учун Коммунистик партия билан Совет ҳукуматига қизғин миннатдорчилик изҳор этди. (ЎзТАГ).

ТЕЗ ВА СОЗ ҚУРАЙЛИК!

Ўзбекистон ССР Қурилиш ва монтаж министрликлари ҳамда идоралари томонидан 1973 йил 11 ойи мобайнида пудрат қурилиш-монтаж ишлари планининг бажарилиши тўғрисида

МАЪЛУМОТ

(Биринчи устун — 11 ойлик планинг бажарилиш процента, иккинчи устун — 1973 йилнинг 11 ойида қилинган ишлар 1972 йилнинг 11 ойидагига нисбатан процент ҳисобида).

— Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги	105	113
— Узглавводстрой	103	111
— Узколхозстрой	103	109
— Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги	104	102
— Қишлоқ қурилиши министрлиги	100	106
— Главташкентстрой	100	98
— Автомобиль йўллари қурилиши ва ундан фойдаланиш министрлиги	109	97
— Қурилиш министрлиги	95	107

Умуман республикада 1973 йил январь-ноябрь ойларида 1972 йилнинг январь-ноябрь ойларидагига нисбатан давлат марказлаштирилган капитал маблағлари 11 процент кўп ўзлаштирилди, қурилиш-монтаж ишлари эса 10 процент ошириб бажарилди.

Декабрь — йилнинг якунловчи ойи. Қурилиш ва монтаж ташкилотлари ишга туширилаётган қурилишларда ва объектларда ишларни тугаллашга, машина ускуналарни созлашга ва ишга туширишга, ана шу ускуналарни нагрузка билан синаб кўришга ва маҳсулот олишга алоҳида эътибор беришлари лозим.

ЎЗБЕК СОВЕТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИНИНГ ТЎРТИНЧИ ТОМИ

Ўзбек совет энциклопедиясининг тўртинчи томи босмадан чиқди. Бу том Самарқанд областидаги қишлоқ «Деҳнав» сўзидан бошланиб «индустрия» сўзи билан тамом бўлади. Шу томда сиёсат, экономика, маданиятга доир маълумотлар берадиган жуда кўп мақолалар, библиографик ахборотлар бор. Китоб яхши безатилган, жуда кўп хариталар, диаграммалар, жадвалдар билан таъминланган.

(ЎзТАГ).

СССР Олий Советида

ТАРМОҚ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ЯЛПИ МАЖЛИСЛАРИ

8 декабрда Москвада СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг саноат; транспорт ва алоқа, қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати; қишлоқ хўжалиги; соғлиқни сақлаш ва социал таъминот; халқ маорифи, фан ва маданият; савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва коммунал хўжалик тармоқ доимий комиссияларининг ялпи мажлислари бўлиб ўтди.

Шу куни ҳар икки палатанинг ёшлар ўртасида ишлаш, шунингдек табиатни қўриқлаш комиссияларининг ялпи мажлислари ўтказилди.

Комиссияларнинг мажлисларида саккизинчи чақириқ СССР Олий Советининг 12 декабрда очиладиган навбатдаги VII сессияси иш бошлаши арафасида Москвага келган 500 дан кўпроқ депутат иштирок этди.

Депутатлар СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат планини, 1974 йилги давлат бюджетини ва 1972 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни олдиндан кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги докладлар ва ахборотларни тингладилар.

Комиссияларнинг аъзолари бўлган депутатлар масалани ишчанлик билан муҳокама қилиш жараёнида мамлакатнинг келгуси йил учун мўлжалланган плани ва бюджети социалистик ишлаб чиқаришни юксак суръатлар билан ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти ва меҳнат унумдорлигини ўстиришни жадаллаштириш негизида халқ ҳаётининг моддий ва маънавий даражасини анча юксалтиришни таъминлашдан иборат беш йилликнинг энг асосий вазифасига мос бўлиб тушади, деб таъкидладилар. Шу билан бирга депутатлар совет экономикасининг барча мавжуд резервларидан тўлароқ фойдаланиш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар.

Тармоқ комиссиялари мамлакатнинг 1974 йилги плани ва бюджети ҳамда 1972 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисобот юзасидан чиқарилган хулосаларни тасдиқладилар. Улар Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг планбюджет комиссиялари раислигига СССР Олий Совети тегишли палаталарининг мажлисларида ўз номларидан қўшимча докладлар билан чиқишни топширдилар.

Контролни амалга ошириш мақсадида бир қанча тармоқ комиссияларининг мажлисларида экономика ва маданият тармоқларини ривожлантиришнинг айрим масалалари юзасидан комиссияларнинг илгари берилган тавсияларини СССР министрликлари ва идоралари қандай бажарилганликлари тўғрисидаги ахборот ҳам тингланди. Бу масала юзасидан комиссиялар тегишли қарорлар қабул қилдилар. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. М. ҚОДИРОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН ИНЖЕНЕР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллар, бенуқсон ишлагانлиги ва республикада темирйўл транспортини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Ўрта Осиё темирйўли бошлиғи Азиз Мавлонович **Қодировга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер» Фахрий унвони берилсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари
А. АБДАЛИН.
Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил, 7 декабрь,
Тошкент шаҳри.

Деҳқон бўлсанг шудгор қил!

Республика областларида қузги шудгорлашнинг бориши тўғрисида 1973 йил 8 декабрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун—областлар; иккинчи устун—ҳайдалган майдон (минг гектар ҳисобида); учинчи устун — планнинг бажарилиш процента

Хоразм	8,6	107,3
Фарғона	105,5	106,4
Андижон	184,4	105,4
Сирдарё	299,2	103,0
Тошкент	216,5	103,0
Самарқанд	242,4	102,1
Наманган	131,3	97,5
Сурхондарё	127,4	90,7
Қашқадарё	124,7	88,1
Бухоро	153,1	83,8
ҚҚАССР	24,3	35,7
Республика бўйича:	1617,4	95,8

КОЛХОЗЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

Қишлоқ хўжалик йили тугай деб қолди Ўзбекистон колхозларида йил якунларини чиқариш, ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш вақти яқинлашмоқда. Деҳқонлар бу йиғилишларда хўжаликларнинг 1973 йилги иш натижаларини муҳокама қиладилар, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш юзасидан беш йилликнинг тўртинчи йили учун янги режалар қабул киладилар. Ўзбекистон республика колхозлар кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида ана шу муҳим кампанияга тайёргарлик қандай бораётганлиги тўғрисида гапирилди.

Мажлисда колхозлараро бўрдоқиқоналарнинг ўтган йилги ва шу йилнинг тўққиз ойи мобайнидаги иши тўғрисидаги, колхозлараро қурилиш ташкилотлари, колхозлар ва колхозлараро ташкилотларнинг ёрдамчи корхоналари ва хўжаликлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботлар муҳокама қилинди.

Кенгаш мажлиси барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди. (ЎзТАГ).

Н. В. Подгорний Р. Галлени қабул қилди

7 декабрда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Франция қуролли кучлари министри Робер Галлени Кремлда қабул қилди.

Бўлиб ўтган дўстона суҳбат чоғида Совет—Франция ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Суҳбатда СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи маршали А. А. Гречко, СССР Қуролли Кучлари бош штаби бошлиғининг биринчи ўринбосари армия генерали Н. В. Огарков, шунингдек Франциянинг Совет Иттифоқидаги элчиси Ж. Вимон қатнашдилар. (ТАСС).

ИШЧАНЛИК ВАЗИЯТИДА

ҚУНҒИРОТ РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Қунғирот район партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлди. Бу конференцияда район партия комитетининг ҳисобот давридаги фаолияти атрофлича таҳлил қилинди. Район партия комитетининг биринчи секретари Қ. Абдиров район партия ташкилотининг фаолияти тўғрисида ҳисоб берди.

Докладчи ва музокарада қатнашган делегатлар район коммунистларининг ва барча меҳнат коллективларининг КПСС XXIV съезди ва партия Марказий Комитети қарорларини изчиллик билан амалга ошириш йўлида қилаётган ишлари, эришилаётган ютуқлар ва шунингдек, ишдаги айрим нуқсонлар ҳақида батафсил гапирдилар.

Қунғирот — Қорақалпоғистон Автоном Республикасидаги йирик саноат ва қурилиш марказларидан бири. Ўтган уч йил ичида бу ерда пландан ташқари бир неча миллион сўмлик саноат маҳсулотлари реализация қилинди. Меҳнат унумдорлиги 29 процент кўпайди. Балиқ заводи, маҳаллий саноат комбинати, Бухоро—Урал, Жанубий Устюрт магистрал газопроводи бошқармаси коллективлари беш йилликнинг учинчи йилини муваффақиятли якунладилар. Ҳисобот даврида маҳсулот ишлаб чиқариш 15 миллион сўмдан 18 миллион сўмга кўпайди. Ўтган уч йил ичида капитал қурилишга 86 миллион сўмга яқин, шу йилнинг ўзида эса халқ хўжалигига ажратилган 22 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Ҳисобот даврида Тулей компрессор станцияси, узунлиги 600 километр келадиган Қунғирот—Кўлсари водопроводи, 408 километрлик Қунғирот-Бейнов темир йўл магистрали, Қунғирот—Мўйноқ автомобиль тош йўли фойдаланишга топширилди. Шунингдек кўплаб мактабгача болалар муассасалари, мактаб ва касалхоналар, маиший хизмат комбинати қурилди. Шаҳар ва қишлоқларда хонадонларни газлаштириш тезкорлик билан давом этяпти.

Музокарада сўзга чиққан нотиқлар қурилишдаги камчиликларни юз-хотин қилмай очиб ташладилар. Қурилиш объектлари муддатида битказилмаётир. Меҳнат унумдорлиги ва иш сифати паст. «Бухарагазпромстрой»га қарашли 2-қурилиш бошқармаси, қурилиш-монтаж поездлари, кўчма механизациялашган колоннаналар да планлар мунтазам бажарилмаяпти. Тулей компрессор станциясининг 4-навбат қурилиши ҳамон тугалланмаган йўқ.

Қунғирот йирик қишлоқ хўжалиги райони ҳамдир. Район деҳқонлари ўтган уч йил ичида 42.438 тонна пахта етиштирдилар. Шоли етиштириш 1970 йилдагига қараганда икки марта кўпайди. Шу йилнинг ўзида 15 минг тоннадан кўпроқ пахта ва 27.616 тонна шоли давлатга топширилди. «Қунғирот», «Партия XXIV съезди», «Хоразм» пахтачилик, Чапаев номли, «Равшан» шоличилик совхозларида давлатга пахта ва шоли сотиш юзасидан олинган мажбуриятлар ортиғи билан бажарилди. Бу муваффақиятларга социалистик мусобақа авж олдирилгани, коллектив ишига партиявий таъсир кучайтирилгани, коммунистларнинг авангардлик роли таъминлангани, партия ташкилотларининг барча меҳнат коллективларини олинган мажбуриятни шараф билан бажариш ишига сафарбар этгани туфайли эришилди.

Пахтачилик, шоличилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ютуқлар билан бирга камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Район хўжаликларида 38 та бригада район кўрсаткичидан кам пахта етиштирди. «Хоразм» совхозида 8 та бригада пахта тайёрлаш йиллик планини бажаргани йўқ. «Хоразм» совхози ҳар йили давлатдан қарздор бўлиб қоляпти. Ўтган уч йил мобайнида бу хўжалик 1 миллион 100 минг сўм зарар кўрган эди. Бу йил ҳар бир центнер пахтанинг таннархи пландаги 39 сўм 11 тийин ўрнига 45 сўм 76 тийинга етди. «Партия XXIV съезди» совхозида эса бу кўрсаткич 42 сўмни ташкил этди.

Ҳисобот докладида ва шунингдек, музокарада қатнашган делегатларнинг сўзларида чорвачилик тобора равнақ топиб, рентабелли соҳага айланаётгани қувонч билан қайд қилинди, совхозлар трести ва «Узсельхозтехника» район бирлашмаси ишидаги бир қатор камчиликлар рўй-рост очиб ташланди.

Партия ташкилотлари ўз сафларини энг муносиб илғор ишчилар, комсомол ва ёшлар, хотин-қизлар ҳисобига тўлдириб бормоқдалар. Ҳисобот даврида КПСС аъзолигига қабул қилинган кишиларнинг 69 процентини ишчилар, 55 процентини комсомол аъзолари, 38,8 процентини хотин-қизлар ташкил этди.

Конференцияда шунингдек, партия йиғилишларининг таъсирчанлигини ошириш, қарорлар ижросига эришишни таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар қилингани алоҳида таъкидланди.

Район партия комитетининг ҳисобот даврида совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларига раҳбарлик фаолияти яхшиланди. Пленум ва бюро мажлисларида уларнинг ҳисоботлари мунтазам эшитиб бориляпти. Ишдаги камчиликларни тугатишда амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Делегатлардан Қорақалпоғистон АССР темир йўли бўлимининг бошлиғи **В. Желтоухов**, 6-компрессор станцияси бошлиғи **Д. Пенков**, 2-қурилиш бошқармаси партия ташкилоти секретари **А. Кондратьева**, «Каракалкнефтегазразведка» экспедицияси партия ташкилотининг секретари **А. Цой** ўртоқлар ташкилий-партиявий ва оммавий-сиёсий ишлар савиясини янада яхшилаш, партиявий ишларнинг таъсирчанлигини кучайтириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ҳақида гапирдилар.

Музокарада сўзга чиққан «Қунғирот» совхози директори **А. Шарипов**, Ильич номли совхоз партия комитети секретари **А. Бердимуродов**, «Партия XXIV съезди» совхози директори **К. Умрбеков** ва бошқалар пахта, шоли ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш резервларини ишга туширишда партия ташкилотлари ва коммунистларнинг авангардлик ролини янада ошириш тўғрисида гапирдилар. Бўз ва партов ерларни ўзлаштириш, ариқ ва каналларни кенгайтириш, коллектор-зовур тармоқларини узайтириш, қишлоқ хўжалик ишларини комплекс механизациялаштириш шу кунинг муҳим вазифасидир. Музокарада сўзга чиққан нотиқлар ана шу борада рўй бераётган камчиликлар ҳақида батафсил тўхталдилар, уй-жойлар, клуб, ҳаммом, мактаб, болалар боғчалари ва яслиларини қуриш суръатини тезлаштириш зарур эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Конференция ишида Қорақалпоғистон область партия комитетининг иккинчи секретари **Б. А. Новицкий** қатнашди ва нутқ сўзлади.

Конференция район партия комитетининг ҳисобот давридаги фаолиятини маъқуллади, райкомнинг янги составини, район партия ташкилоти ревизия комиссиясини ва Қорақалпоғистон область партия конференциясига делегатлар сайлади.

Район партия комитети пленумида ташкилий масала кўриб чиқилди. Пленумда район партия комитетининг секретарлари қилиб **Қ. Абдиров, Р. Майоров** ва **И. Қанатбоева** ўртоқлар сайландилар.

* * *

Тўрткўл, Беруний, Амударё ва Хўжайли районларида ҳам партия конференциялари бўлиб ўтди. Бу конференцияларда ҳисобот давридаги ишларга якун ясалди, халқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг конкрет тадбирлари белгиланди, ташкилий-партиявий, оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни янада яхшилаш тадбирлари ишлаб чиқилди. Партия конференцияларида район партия комитетларининг янги составлари сайланди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг совриндорлари

ҒОЛИБЛАР

«Оқ олтин» колхози Тошлоқ районидаги пешқадам ва кўп тармоқли хўжаликлардан бирига айланиб бормоқда. Колхоз заршунослари беш йилликнинг ҳал қилувчи зарбдор йилида катта зафар қучдилар. Мавжуд пахта майдонининг ҳар гектаридан 32 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга муваффақ бўлишди. Колхозда пахтачилик йилдан-йилга ривожланиб бораётир. Оқолтинликлар беш йиллик планни муддатидан илгари — тўрт йилда адо этиш юзасидан бошланган социалистик мусобақага қўшилдилар.

Хўжаликда ерларни шудгорлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Ирригация ва мелиорация ишларини янада яхшилаш борасида ҳам кўпгина тадбирлар амалга оширилаётир.

Хўжаликда чорвачилик ҳам рентабелли соҳага айланди. Давлатга гўшт ва сут топшириш беш йиллик плани ошириб бажарилди. Бундан шу йилнинг ўзида юз минг сўм фойда олинди.

Чорвадорлар 300 бош соғин сигирни меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Ўтган йили уларнинг ҳар биридан 2880 литрдан серқаймоқ сут соғиб олиб, Фарғона областида биринчиликни қўлга киритган эдилар. Улар меҳнатда эришган ютуқларини янги зафарларни қўлга киритиш билан мустаҳкамлаётирлар. Ҳал қилувчи йилдаги якунлар қувончли бўлди. Ўтган 11 ой мобайнида говмушларнинг ҳар биридан 3000 литрдан сут соғиб олинди. Сут чашмасини янада кўпайтириш учун қурашаётган сут соғувчилар бу кўрсаткични йил охиригача 3300 литрга етказиш мақсадида фидоюрона меҳнат қилишяпти.

Она-бола Раҳима ва Жамила Саримсоқова, Фотиҳла Абдурасулева, Қурбонбиби Тўхтаровалар ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлишмоқда. Шу билан бирга ўзаро социалистик мусобақада ҳам голибликни қўлдан беришмаётир. Ўзларига бириктирилган сигирларни яхши парвариш қилишлари туфайли говмушларидан кўп сут соғиб олишди, улар ҳар бош сигирдан уч ярим минг литрдан сут соғиб, зиммасига олган шахсий мажбуриятини муддатидан илгари ошириб бажарди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлари Совети ва ВЦСПснинг чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги қарори колхоз чорвадорлари томонидан ишлаб чиқилди ва амалий тадбирлар белгиланди. Кутилган натижа ёмон бўлмади. 3000 тонна сенаж тайёрланди, 6000 тонна силос бостирилди, 3000 тонна дағал хашак ва 300 тонна беда уни ҳозирлаб қўйилди. Ем-хашак тайёрлаш бригадаси аъзолари жуда яхши ишладилар. Улар ўзларига ажратиб берилган техника кучидан унумли фойдаланишлари сабабли бир ярим-икки йилга етадиган миқдорда озуқа базаси жамғариб қўйишди.

Колхозда соғин сигирларга берилаётган озуқаларни хилма-хиллаштириш борасида ҳам кўнгилдагидек иш қилинаётир. Шу мақсадда бу йил 5 гектар ерда қовоқ, 15 гектар ерда хашаки лавлаги, 25 гектарда кунгабоқар экилди ва юқори ҳосил олинди.

Кўтосчиликни ривожлантиришга катта аҳамият берилаётир. Ҳозир уларнинг сони 150 бошга етказилди. Шунингдек, озуқабоп экин — артишок экилаётир. Кўп йиллик ҳосилланган бу экиннинг ҳосияти катта, унинг бир центнер кўкатида 14 озуқа бирлиги, бир килограммга яқин ҳазм бўладиган протеин, кўплаб витамин, углевод, ёғ борлиги аниқланган. Артишок ўрим орқасидан ўсиб чиқаверади, ўн-ўн икки йил давомида қайта экмай ўриб олавериш мумкин.

Колхоз чорвадорлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг маданий яйловлар ташкил этиш тўғрисидаги қарорини амалга ошириш соҳасида бир мунча ишлар қилдилар. Ҳужжатлар, лойиҳалар тайёрлаш ниҳоясига етказилди. Чўнголой массивидаги яйловда меҳнат қилаётган чорвадорларга маданий-маиший хизматни яхшилаш мақсадида 10 та уй қурилди ва колхоз кучи билан бунёд этилган мактаб-интернатда чўпон-чўлиқларнинг ўғил-қизлари таълим-тарбия олишмоқда. Чорва моллар қишлаётган ерга водопровод келтирилди, беш километрлик йўлга асфальт ётқизиляпти.

Партия ва ҳукуматимиз чорвадорларга оталарча гамхўрлик қилмоқдалар. Бу ерда 300 ўринли типовой ўрта мактаб, боғча қурилаётир. Яйловда хизмат қилаётганларга газета ва журналларнинг янги сонлари етказиб берилаётир, хилма-хил кинофильмлар кўрсатиляпти. Чўнголой массивида ўзлаштирилган 500 гектар ерга арпа экилиб, юқори ҳосил олинди. 100 гектар ерга кузги буғдой уруғи сепилди. Шу йўл билан алмашлаб экишни жорий қилиш ишлари ҳам амалга оширилаётир.

Оқолтинликлар СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ишчи-хизматчилари касаба союзи Марказий Комитетининг чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш юзасидан ўтказган Бутуниттифоқ мусобақасида голиб чиқдилар. Улар 1972 йилнинг IV кварталида ва шу йилнинг биринчи ярмидаги кўрсаткичлари учун Қизил байроқ ва пул мукофотларини олишга сазовор бўлишди. Чорвадорлардан ўн киши турли орденлар билан мукофотландилар. Колхоз раиси Абдуҳамид Эгамбердиев Ленин ордени, молбоқар Раҳмонали Қиргизов ва сут соғувчи Фотиҳа Абдурахмоновалар Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирландилар.

Колхоз аъзолари янгидан-янги меҳнат ютуқларига муваффақ бўлиш учун ички резервларни тўла ишга солмоқдалар.

Т. УНАБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Суратларда: 1. Озуқа тайёрлаш цехида. 2. Моллар мана шу усулда — сунъий ёмғирда ювинтирилади. 3. Тўрт гектар ерда қимматли озуқа — артишок етиштирилмоқда.

СИФАТ ИШИ — БАРЧАНИНГ ИШИ

МЕБЕЛИМИЗ ЭЛГА МАНЗУРМИ?

«Совет Ўзбекистони» газетаси, республика радиоси ва Ўзбекистон стандартлар бошқармасининг қўшма рейди

Республика ишчи ва хизматчилари эл-юртга аъло сифатли маҳсулот етказиб бериш, она-Ватан қудратини янада ошириш, халқ фаровонлигини тағин ҳам яхшилаш учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишни муқаддас бурчлари деб биладилар.

Редакциямизга келаётган хатларда ҳам республика саноат корхоналари коллектиналари маҳсулот сифатини янада ошириш учун, уларни харидгир қилиш учун фидокорлик кўрсатаётганликлари, давлат стандартлари нормасида маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилаётганликлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Шу билан бирга харидорлар аҳолига нунда керак бўладиган ва энг зарур маҳсулотлар сифати кўнгилдагидек эмаслиги, уларнинг баъзи турлари ниҳоятда сифатсиз тайёрланаётгани ҳақида бонг урмоқдалар.

Шу муносабат билан меҳнаткашларнан келаётган хатлар асосида «Совет Ўзбекистони» редакцияси республика радиоси ва Ўзбекистон стандартлар бошқармаси ҳамкорлигида республикамиздаги саноат корхоналари бўйлаб маҳсус рейд ўтказишга қарор қилди. Унда кенг халқ истеъмоли моллари сифатини яхшилаш, харидоргирлигини ошириш, давлат стандартлари талабларига риоя қилишга эътибордан қолган, эскирган молларни ишлаб чиқишдан олиб ташлаб, янгилари билан алмаштириш масалаларига алоҳида эътибор қилинади.

Ҳурматли редакция! Мен Тошкент шаҳар Қорақамиш массивидаги 30 уйда яшайман. Неча ойлардан буён ният қилиб ишлаб топган пулларимни йиғиб келардим. Яқинда шу ниятимга етдим. «Ташхозкультторг»га қарашли 63-магазинидан «Шарқ» мебель фирмасида тайёрланган гарнитура сотиб олдим. Лекин уйга келтириб бундай очиб қарадиг-у, хушимиз бошимиздан учди. Аввало биз харид қилган гарнитура фурнитуралари нокомплект эди. Ундан кейин эса гарнитурамизнинг ранги-рангига тўғри келмас, бири қорамтир бўлса, бири қизғиш тусда эди. Жовон эшиклари ёпилмас ва қулфланмасди. Биз дарҳол гарнитурани харид қилган жойимизга элтиб топширдик. Мазкур магазинда бизга ўхшаш овора бўлиб юрган бошқа харидорлар ҳам бор экан. Ҳаётки, бундай мебелларни ишлаб чиқараётган мебелчиларимиз харидорларнинг пешана тери билан топган маблағларига, қолаверса, ўзларининг меҳнатларига, сарфлаётган қимматли вақтларига ачинмасалар? Ҳаётки мебелларимизни жаҳон стандартлари даражасида ишлаб чиқариш мумкин бўлмаса?

Р. ҒАЛИМОВА.

Биз ушбу хат юзасидан дастлаб Тошкент «Хозкультторг»ига қарашли 63- магазинга йўл олдик. Магазин директори Турсунбой Акбаров бизни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Мақсадимизни айтгандик, у «жуда қутлуғ ҳаракат бошлабсизлар. Ҳамманинг дилидаги гапни топиб, ишга киришибсизлар», деди-да ўзи ғувоҳ бўлган воқеалар хусусида гапира кетди:

— Яширишнинг ҳожати йўқ. Бизнинг магазинимиз асосан мебелларни «Шарқ» фирмасидан олади. Шунингдек, Олмалиқ ва Янгийўл мебель фабрикаларидан ҳам мебель қабул қиламиз. Олмалиқ фабрикасида ишлаб чиқарилаётган стол, кресло ва стулларнинг савдоси чаққон. Янгийўл фабрикасининг каравот, шкаф, сервантларини ҳам харидорларимиз яхши баҳолашяпти. «Шарқ» мебель фирмаси етказиб бераётган мебеллардан айниқса, диван-каравотларнинг бозори чаққон. Лекин, ой охирлаб борган сари фирма раҳбарлари план кетидан қувиб ҳа бўл — ҳа бўлга тушиб қолишади, шекилли, магазинларимизни бирданига молга тўлдириб юборишади. Лекин, уларнинг сифати ой бошида юборилган мебеллардан тубдан фарқ қилади. Мана, магазинимизда уларнинг ой охирида жўнатган каравотлари, жовонлари жой эгаллаб ётибди. Сабаби шундаки, уларнинг ранги бир-бирига мос эмас. Маълумки, харидорларимизнинг диди ва талаби кун сайин ортиб боряпти. Улар замонавий, чиройли, бежирим, кам жой эгаллайдиган ва узоққа чидайдиган мебелларни исташади. Биз мебель ишлаб чиқараётган корхоналарнинг коллективларидан ана шуларни инобатга олишларини истардик.

Магазин директорининг бу сўзларига харидорлар — Тошкент шаҳар 8- тўғруқхонасининг ходими Шоира Собитова, Қорақамиш массиви 40- уй, 40- квартирада истиқомат қилувчи А. Белова ва бошқа ўртоқлар ҳам қўшилишди. Шу пайт сотувчи Турғун Маҳамадалиев келиб, харидорлар томонидан қайтарилган диван-каравотларнинг саққизта суянчиғини «Шарқ» мебель фирмасига элтиб ташлаганлигини, фирма бош инженери уларни зўрға қабул қилиб олганлигини гапириб берди.

Шаҳримизнинг 50-мебель магазини бўлим мудири Дилшод Умаров ҳам Тошкент мебелларининг носифат чиқарилаётганидан нолиб гапирди:

— Мен, — деди у, — олти йилдан бери мебель магазинида сотувчи бўлиб ишлайман. Харидорларимиз ҳамиша Олмалиқ ва Янгийўл мебелларини севиб харид қилишади. Тошкент мебелларини эса жуда ёмон дейишга тил бормайди-ю, аммо гарнитураларнинг шкафи, трюмоси, тумбочкалари ранги бир-бирига мос тушмаётгани харидорларимизнинг дилини хира қилмоқда...

Рейд бригадамиз билдирилган эътирозлар изидан Тошкент «Шарқ» мебель фирмасига йўл олди. Фирма директори Ғани Ражабов ишлаб чиқарилаётган мебелларнинг сифатини яхшилаш ва турини кўпайтириш учун корхона коллективи шу кеча-кундузда қандай ишлар қилаётгани ҳақида тўлиб-тошиб гапирди:

— Шуни қувонч билан айтишим лозимки, корхонамизда маҳсулот ишлаб чиқариш 1972 йилнинг шу давридагига нисбатан 22 процент ошди. Фирмамиз ишчилари ишлаб чиқарилаётган мебелларнинг янада сифатли бўлишини таъминлаш учун жон куйдиришяпти. Ҳозир 28 номда турли хил мебеллар тайёрланяпти. Ойлик ва квартал план топшириқлари ҳамиша ошириб бажариляпти.

— Шу мебелларнинг сифати қандай? Унга ўзингиз қандай баҳо берасиз? — сўрадик.

— Менимча ёмон эмас, магазинилар оляпти-ку...

— Одамлар-чи?..

— Одамлар олмаса, магазинлар олармиди?

— Бўлмаса, харидорларнинг мана бу эътирозларига нима дейсиз? — Директорга шикоят матни узатдик. Ўқиб туриб, унинг ранги ўзгарди. Лекин сездирмасликка тиришиб: — Битта-иккита шунақаси ҳам чиқиб туради-да, катта корхона — деди. — Иш бор жойда камчилик ҳам, етар-етмасликлар ҳам бўлади. — Директор шу билан ўзини оқлаган бўлди. Шунда уни рейд аъзоларидан республика стандартлар бошқармаси мутахассислари саволга тутишди:

— Шу йилнинг биринчи ярмида бизнинг бошқарма фирманинг анчагина маҳсулотларини брак қилган эди. Эсингизда бўлса, ярим йилда ишлаб чиқарилган трюмоларнинг тўртдан бир қисмини, тўшакли ёғоч каравотларнинг 100 процентини, диван-каравотларнинг 37 процентини, тумбочкаларнинг тўртдан уч қисмини, медицина мебелларининг ҳаммаси брак қилиниб, пландан четгириб ташланганди шекилли...

Директор энди бир варса деяолмай қолди.

— Шу камчиликлар яна давом этаётгандир... — сўрадик.

— Йўқ-йўқ, бартараф этяпмиз! Бартараф этамиз. Сифатни яхшилаймиз. — Директор энди ваъда беришга тушиб кетди...

— Биз энди бўш келмаймиз. Келаси йилдан бошлаб янги хил уй-жой гарнитурасини чиқара бошлаймиз. Шу кунларда қизғин тайёргарлик ишларини олиб боряпмиз. Бунинг устига Самарқанд, Бухоро ва Хива тарихий ёдгорликлари акс эттирилган хонтахталаримизни давлат «Сифат белгиси»га тайёрлаяпмиз.

Фирма план бўлимининг бошлиғи Бахтиёр Мирзажонов билан корхона цехларини айландик. 3-йигув цехида бўлганимизда ҳайратдан ёқамизни ушладик. Мебелларни йиғувчи «усталар» бураб киргизиладиган михларни болга билан уриб киргизишарди.

— Мебель қисмларининг шундай усулда йиғилиши тўғрими? сўрадик цех бошлиғи Анвар Мажидовдан.

— Мутлақо нотўғри! — жавоб берди у.

— Бўлмаса нега бунга йўл қўйяпсизлар?

— Ҳа, энди... план бор дегандай. — дудуқланиб қолди цех бошлиғи. Цех ва корпусларни айланар экамиз, цехлар чанг, мебель ишлаб чиқараётган ускуналар ифлос, мебель қисмларининг сақланиши эса талабга асло жавоб бермасди. Ишчилар меҳнат қилаётган станокларнинг атрофлари чанг ва чиқиндиларга тўлиб кетган.

Ишчилар билан ҳамсуҳбат бўлганимизда, улар яхши меҳнат қилишга шарт-шароитлар етарли эмаслигидан нолиб гапиришди. «Бизда фақат планни бажаришга эътибор қилинади-ю, шарт-шароит яратишга келганда ҳамма орзига талқон солиб олади, — дейишди улар, — ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг цехдан-цехга ҳаракати ҳам нотўғри ташкил этилган. Ойнинг ярмигача ишчилар қўшинча бекор юради-да, кейин тиқинлинч қилишади.. Айниқса йигув цехида мебель деталлари уйилиб кетади. Йигувчилар ой охиригача пландаги 3 мингта шкафни йиғиш учун шошилиб меҳнат қилишади. Бунинг оқибатида мебелларнинг ола-чалпоқ ҳолда йиғилишига, бурама михларнинг уриб қоқилишига ва бошқа жиддий камчиликларга йўл қўйилади».

Бундай ачинарли ҳолни республикамизнинг бошқа бир неча мебель фабрикаларида ҳам кўришимиз мумкин. Ўзбекистон стандартлар бошқармаси ходимлари шу йилнинг биринчи ярмида мебеллар сифатини назоратдан ўтказганларида қатор жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганлиги аён бўлди. Тошкент «Шарқ» мебель фирмасида ярим йил давомида ишлаб чиқарилган тўшакли ёғоч каравотларнинг 100 проценти, диван-каравотларнинг 37 проценти, каравот ёнига қўйиладиган тумбочкаларнинг 75 проценти, кийим-бош қўйиладиган жовонларнинг 15 проценти, медицина мебелларининг қариб 100 проценти брак қилинди ёки қайта ишлаб чиқаришга жўнатилди.

Юқорида қайд этилган корхоналарнинг ишлаб чиқарган сифатсиз маҳсулотлари бажарилган пландан чиқириб ташланди ва даромадлари қисқартирилди. Бу, корхона ишчи-хизматчилари учун яхши эмас, албатта. Республика мебель ва ёғочни қайта ишлаш бош бошқармаси раҳбарлари бунга нима дейишаркин?

Ҳаётки, республикамиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган мебелларни бошқа иттифоқдош республикаларда тайёрланаётган сифатли мебеллар даражасига кўтариш имконияти бўлмаса. Уларни харидорларимизнинг талаб ва эҳтиёжлари даражасида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкинми? Мумкин. Фақат бунинг учун қунт ва сабот, янги техника ва илғор технология ютуқларига ихлос, ишчи ва мутахассисларнинг баракали меҳнат қилишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб беришга жонкуярлик керак, холос.

Р. ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон стандартлар бошқармасининг ходими.
Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.
М. САИДОВ,
Республика радиосининг мухбири.

(Рейдни республика радиоси орқали биринчи программада соат 17 дан 20 минут ўтганда тинглашингиз мумкин).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Л. МЕТЕРОВНИ «ЕНГИНДА ЖАСОРАТ КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Енгин чоғида кишиларни қутқазишда матонат, жасорат ва мардлик кўрсатганлиги учун Хўжайли шаҳридаги таксомотор паркининг ҳайдовчиси Лавак **Метеров** СССР Олий Совети Президиуми номидан «Енгинда жасорат кўрсатганлиги учун» медали билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми
Раисининг ўринбосари
А. АБДАЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1973 йил, 6 декабрь.
Тошкент шаҳри.

Ишчи ва қишлоқ мухбирлари слёти

4 декабрь куни Фарғонада ишчи мухбирлар I Бутуниттифоқ кенгашининг 50 йиллигига бағишлаб ишчи ва қишлоқ мухбирларининг область слёти ўтказилди. Область партия комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ф. Шамсуддинов область партия комитети ва область ижроия комитетининг слёт қатнашчиларига табрик нутқини ўқиб эшиттирди. Кенгашда область партия комитетининг секретари Р. Қосимова ишчи мухбирлар Бутуниттифоқ кенгашининг 50 йиллиги ҳақида доклад қилди.

О. ҲАКИМОВ.

ПАХТАКОРЛАРГА

Таърифингизнинг китобин аҳли маъ́нолар ўқир,
Ҳар хатидан завқ олиб, минг йилча донолар ўқир,
Ҳикматингиз мазмини тўлиқин дарёлар ўқир,
Ғайратингиз тарихин мардлика шайдолар ўқир,
Келгуси Беруний́лар-ла ибн-Синолар ўқир.

Чеҳрангизни Ўзбекистон офтоби дейдилар,
Ой-ю офтоб мадҳингизнинг икки боби дейдилар,
Пахтазорни юртимизнинг зар китоби дейдилар,
Ҳар бирингизни Ватан олижаноби дейдилар,
Номингиз дорилфунунлар ичра аъ́лолар ўқир,

Ҳосилингизни кўриб сайрайди қушлар басма-бас,
Кўрмаган тарих кўзи, ҳатто эшитган ҳам эмас,
Кўрмаган, кўрган, эшитган ҳаммаси айлар ҳавас,
Бу ютуқнинг таъ́рифин ёзмай туролмэм бир нафас,
Шухратингизга жаҳон халқи тасаннолар ўқир.

Енгдингиз аввал баҳор қарши булутлар лашқарин,
Эндингиз ер бағрига дурдона дона гавҳарин,
Эрта кузда очдингиз олтин чаноқ сандиқларин,
Мўъжизангизга тасанно, илмингизга офарин,
Ҳикматингиз дарсини қалби мусаффолар ўқир.

Ҳар суворий тергани бўлди Тянь-Шандан баланд,
Ҳар машина елкаси гўёки осмондан баланд,
Ғолибият аёки юз минглаб газалхондан баланд,
Не эрур оламда бу юксак шараф-шондан баланд,
Сидқи-ла тинчликсевар кўп ёру ошнолар ўқир.

Ўзбекистон пахтакори, сизга табриннома бу,
Эл аёзи, эътибори, сизга табриннома бу,
Баҳтиёри, ифтихори, сизга табриннома бу,
Чустийнинг жони, мадори, сизга табриннома бу,
То абад достонингизни сизга шайдолар ўқир.

ЧУСТИЙ.

Планетамизда

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР

Советлар мамлакатида

ТОҒ БОШИДА ТЕЛЕМИНОРА

ТБИЛИСИ. Мтацминд тоғи тепасида қурилган 277,5 метр баландликдаги янги теле минора фойдаланишга топширилди. Натижада телевизор кўрсатув сифати яхшиланди, Грузиянинг шарқий районлари аҳолисига марказий ва республика телевидениесининг биринчи программасидан ташқари Тбилиси студиясининг иккинчи программасини ҳам кўриш имконияти туғилди.

Эски теле минора эса кўчирилмоқда ва у ҳам тоғ чўққисига ўрнатилади. Бунинг натижасида унга яқин районлар ва жанубий Осетия автоном областининг аҳолиси Москва кўрсатувларини бе-малол кўра оладилар.

НОРАК НУРХОНАСИ

НОРАК. Ўтган йили саноат учун ток бера бошлаган Норак ГЭСи биринчи навбати ҳозиргача бир миллиард киловатт-соат электр қуввати етказиб берди. ГЭСда ҳар бири 300 минг киловатт электр қувватли 3 та агрегат ишлаб турибди.

Ҳозирги кунда қурилиш майдонида навбатдаги икки агрегат учун спираль камералар монтаж қилинмоқда. Электр станцияси тўла қувват билан ишлай бошлаганидан кейин электр қуввати ишлаб чиқариш Тожикистонда тўрт баравар кўпаяди.

АВИАТОРЛАР ҲИССАСИ

ФРУНЗЕ. Республика деҳқонларининг қанотли ёрдамчилари 975 минг гектар пахтазор, қанд лавлаги, донли экинлар майдонларини, яйлов ва пичанзорларни дорилаш ва уларга ишлов бериш юзасидан ҳал қилувчи йил планини муддатидан илгари адо этдилар.

Қирғизистон авиаторлари келгуси йил ҳосили учун мустаҳкам замин тайёрлаш билан бирга ўз зиммаларига муқобил план қабул қилдилар. Улар бир миллион гектардаги экинларни озиқлантириш, ўсимликларни химиявий йўл билан ўтоқ қилиш, пахтазорларни дефолиациялаш ва қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш олиб боришга қарор қилдилар.

КОЛЛЕКТИВНИНГ ҒАМХЎРЛИГИДА

РИГА. «Автоэлектроприбор» заводи филиалининг ходимлари ўзларининг социалистик мажбуриятларига асосий пункт қилиб киритган бир муҳим ишни бажардилар. Йил бошидан бери авто ускуналар учун керак бўладиган 100 мингта эгилувчан вал ишлаб чиқариш учун металл иқтисод қилдилар. Корхона Москва, Горький, Ульяновск, Минск ва Запорожье автомобилсозлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Латвия ихтирочилари техника жараёнларини ихчамлаштириш соҳасида ажойиб ишларни амалга оширмоқдалар.

(ТАСС).

Қозоғистон ССР. Олмаотадаги гилам тўқиш фабрикасининг маҳсулоти харидорларга жуда манзур бўлмоқда. Корхона коллективи йил бошидан бери пландан ташқари 20 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқарди. Суратда: фабрика цехларидан бирида.

Ф. Савьников фотоси (ТАСС).

Шимолий Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штати саноат маркази — Хардвардаги оғир электр ускуналари заводи Совет Иттифоқининг кўмаги билан қурилган. Корхона мамлакатдаги электр станциялари учун ускуналар етказиб берувчи йирик заводлардан бири ҳисобланади. Суратда: слесарь йигувчилар П. Дадиала (чапдан) С. Кальвант завод цехларида.

В. Соболев фотоси (ТАСС).

ВИЗИТ ТУГАДИ

НИКОЗИЯ. (ТАСС). Кипр Меҳнаткаш халқ прогрессив партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг Раиси Г. Ф. Сизов бошчилигида бу ерда меҳмон бўлиб турган КПСС делегацияси бугун Ватанига жўнаб кетди.

Делегация Кипр Меҳнаткаш халқ прогрессив партиясининг Никозия, Ларнаки, Фамагуста, Лимасол ва Пафос округ комитетларида бўлиб, партиянинг раҳбар ходимлари ва активлари билан, касаба союз, деҳқонлар, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотларининг вакиллари билан дўстона учрашди ва суҳбатлашди.

КПСС делегацияси Кипр Меҳнаткаш халқ прогрессив партияси бош секретари Э. Папаноанну бошлиқ шу партия Марказий Комитети секретариатининг аъзолари билан учрашди. Самимий, ўртоқлик вазиятида ўтган суҳбат чоғида томонлар КПСС ва Кипр Меҳнаткаш халқ прогрессив партиясининг ҳозирги босқичдаги фаолияти тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар ва ҳар икки томонни қизиқтирувчи бир қанча актуал проблемалар юзасидан фикрлашиб олдилар.

КПСС делегациясини Э. Папаноанну ва Кипр Меҳнаткаш халқ прогрессив партиясининг бошқа раҳбар арбоблари кузатиб қолдилар.

АМЕРИКА—РУМИНИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). АҚШ президенти Р. Никсон билан Румыния Социалистик Республикаси Давлат Кенгашининг раиси Н. Чаушеску ўртасида олиб борилган музокаралар тўғрисидаги қўшма баёнот бу ерда эълон қилинди. Баёнотда кўрсатиб ўтилгани шича, музокаралар чоғида Америка—Румыния муносабатлари, шунингдек асосий халқаро проблемалар муҳокама қилинган.

Румыния билан Қўшма Штатлар ўртасида иқтисодий, саноат ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида қўшма баёнотда томонлар ана шу ҳамкорликни ривожлантиришга қатъий қарор берганликлларини изҳор этдилар.

Н. Чаушеску матбуот конференциясида гапириб, граждан авиацияси, океанда балиқ овлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш ва Америка — Румыния иқтисодий кенгашини тузиш тўғрисида РСР билан АҚШ ўртасида битимлар ҳам тузилганлигини маълум қилди.

ҲАРБИЙ САМОЛЁТ УРИБ ТУШИРИЛДИ

ҚОҲИРА. (ТАСС). Сузайш шаҳри яқинида жойлашган Айн ал-Сохна аҳоли пункти осмонида рўй берган ҳаво жанги вақтида Миср қирувчи самолётлари Исроил ҳарбий самолётини уриб туширдилар.

Миср ҳарбий қўмондонлигининг вакили бу ерда ана шуни хабар қилди.

УРУГВАЙДА РЕПРЕССИЯЛАР

◆ БУЭНОС-АЙРЕС. Бу ерга келаётган маълумотларга қараганда, Уругвайда мамлакатнинг демократик кучларига қарши репрессиялар қилиш давом этмоқда, Уругвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Родней Арисменди қамоққа олинганлиги илгари хабар бериб ўтилган эди. Кейинги кунларнинг ўзидагина мамлакатда тараққийпарвар сиёсий арбоблардан 150 нафардан кўпроғи қамоққа тиқиб қўйилди.

Хавфсизлик бошқармасининг агентлари ҳафталик «Марча» журнали редакцияси биносига бостириб кирдилар. Шу бинода ишлаб турган ходимларнинг ҳаммаси қамоққа олинди. Газетада босиш учун тайёрлаб қўйилган материалларни полиция мусодара қилди.

Монтевидеода солдатлар ва полициячилар кўчаларда патруллик қилмоқда, коммунистик партиянинг, социалистик партиянинг ва мамлакатда қонун-дан ташқари, деб эълон қилинган бошқа тараққийпарвар ташкилотларнинг раҳбарларини қамоққа олиш мақсадида тинтув ва текширишлар ўтказилмоқда.

◆ КАРАКАС. Венесуэла Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Уругвайда ўтказилаётган репрессияларни кескин равишда қоралади. Венесуэла Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг бу ерда эълон қилинган баёнотида Марказий Комитет Сиёсий бюроси Уругвай президенти Бордаберри ҳукумати томонидан тақиқлаб қўйилган Коммунистик партия билан ҳамда бошқа тараққийпарвар партиялар ва ташкилотлар билан ўзининг бирдам эканлигини изҳор этди.

Венесуэла коммунистлари, дейилади баёнотда, тараққийпарвар сиёсий партияларга, ишчи ташкилотларига, демократик ва революцион ташкилотларга мурожаат қилиб, уларни қитъадаги реакциянинг ҳужумини қатъий равишда қоралашга, реакцион режимларга қарши курашни кенгайтиришга ва активлаштиришга чақирадилар.

◆ МЕХИКО. Мексикадаги «ДИА» газетаси Уругвайда тараққийпарвар сиёсий арбобларга нисбатан қилинаётган репрессиялар ҳамманинг қаҳру-ғазабини қўзғатмоқда, деб ёзади.

Уругвайнинг энг яхши ўғил-қизлари таъқиб қилинаётганлиги ва қамоққа олинаётганлиги, деб ёзади газета, инсон ҳуқуқларининг қўпол равишда таҳқирланаётганлигини, ашаддий реакцион диктатура кучайтирилаётганлигини кўрсатиб турибди. Президент Бордаберри режими томонидан мамлакатнинг тараққийпарвар кучларига қарши авж олдириб юборилган репрессиялар Чилидаги фашистлар тўнтариши билан бевосита алоқадор бўлиб, бу репрессиялар Уругвайдаги сиёсий ҳаёт «чилилаштирилаётганлиги»дан далолат бериб турибди.

(ТАСС).

ТАРИХИЙ ВОҚЕА

«НЬЮ ЭЙЖ» ГАЗЕТАСИ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ҲИНДИСТОНГА ҚИЛГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистон Коммунистик партиясининг органи ҳафталик «Нью эйж» газетаси редакцион мақоласида бундай деб ёзади: КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визити ғоят муҳим воқеа бўлди. Бу визит жуда муҳим натижалар келтирдики, бу натижалар мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлабгина қолмай, Осиёда тинчлик ва стабилликни қарор топтиришга ёрдам беради. Бизга КПСС Марказий Комитети Бош секретари Леонид Ильич Брежневни ва бош министр Индира Гандини, шунингдек зўр муваффақият билан тугаган Ҳиндистон — Совет музокараларининг бошқа қатнашчиларини қизғин табриклаймиз.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг мамлакатимизда бўлган ноғида сўзлаган нутқлари тинчлик ва тараққиёт тўғрисидаги самимий ғамхўрлик билан суғорилган бўлиб, давлат арбобига хос чуқур донишмандлик ифодаси сифатида, мамлакатимизга ва халқимизга нисбатан чиндўстлик ва меҳр-муҳаббатнинг ифодаси сифатида ҳиндларнинг хотирасида доимо сақланиб қолади. Л. И. Брежневнинг бу нутқлари, деб таъкидлайди ҳафталик газета, ҳар иккала давлат ўртасида тузилган конкрет битимлар билан мустаҳкамланди. Ўзининг жуда катта ютуқларини ана шу дўстликка ва бутун тараққийпарвар инсониятнинг эзгу мақсадларига хизмат қилдиришга тайёр бўлиб турган чинакам дўст мамлакатгина ана шундай битимларни тузиши мумкин.

«ЗАМОН СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТЛИК»

СВАРАН СИНГХНИНГ ПАРЛАМЕНТДА АЙТГАНЛАРИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистон ташқи ишлар министри Сваран Сингх парламентнинг юқори палатасида ташқи сиёсат масалалари юзасидан мунозараларни оча туриб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Деҳлига қилган визити натижасида Ҳиндистон — Совет муносабатлари янада кўпроқ мустаҳкамланиб, маҳкамроқ бўлиб қолди, деди.

Биз аминмизки, деди министр, Л. И. Брежнев билан И. Ганди имзолаган қўшма ҳужжатларда ифодаланган ҳар икки мамлакатнинг Ҳиндистон — Совет ҳар томонлама ҳамкорлигини бундан бўён ҳам ривожлантириш иштиёқи мамлакатларимиз халқларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушади. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев визитининг аҳамияти Ҳиндистоннинг Совет Иттифоқи билан дўстона муносабатларини янада кўпроқ мустаҳкамлашдангина иборат бўлиб қолмай, бу воқеа Осиёда ва бутун дунёда тинчлик, демократия ва тараққиёт кучларини мустаҳкамлашга катта ижобий таъсир ўтказганлигида ҳамдир, деб ҳисоблаймиз.

Ҳиндистон ташқи ишлар министри бир-бирини ҳурмат қилиш, чегараларнинг дахлсизлиги, ички ишларга аралашмаслик асосида муваффақиятли ривожланаётган Ҳиндистон — Совет дўстлиги замон синовига тўла-тўкис бардош берганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу дўстлик бизга сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда, деди Сваран Сингх.

БАНГЛАДЕШДА АМНИСТИЯ

ДАККА. (ТАСС). Бангладеш ҳукуматининг амнистия тўғрисидаги қарорига мувофиқ сиёсий маҳбуслардан 30 минг киши, собиқ губернатор А. М. Малик ва собиқ Шарқий Покистон вилоят ҳукуматининг бир неча аъзолари турмадан озод қилиндилар. Уларни республика трибунали 1972 йил октябрида умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилган эди. Амнистия қотиллик, ўт қўйганлик ва бошқа оғир жиноятлар учун қамалган шахсларга жорий қилинмайди.

ИСРОИЛНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ ҚОРАЛАНДИ

НЬЮ-ЙОРК, 7 декабрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг иккинчи комитети пайшанба куни қабул қилган резолюция лойиҳасида Исроил оккупация қилинган араб территорияларидаги одамларни ва табиий ресурсларни эксплуатация қилаётгани учун қатъий равишда қораланди.

Ҳозирги вақтда Исроил агрессорлари оккупация қилиб турган территорияларда миллий ресурслар араб давлатларининг мулки эканлигини ҳамда табиий ресурслар талаб олиб кетилганлиги, эксплуатация қилинаётганлиги ҳамда ўзларига етказилган зарар учун товон тўлатириб олишга араб давлатлари ҳақли эканлигини комитет таъкидлади.

ЕР ҚИМИРЛАДИ

БЕЛГРАД. (ТАСС). 6 декабрда Загреб атрофида кучи 5 баллгача етган ер ости тебраниши қайд қилинди. Маҳаллий сейсмография станциясининг маълумотларига кўра, ер тебраниши маркази Хорватия пойтахтидан 60 километр жанубда бўлган. ТАНЮГ агентлигининг хабар беришича, ер қимирлаши ҳеч қандай моддий зарар етказмаган.

ЖЕРАЛЬД РУДОЛЬФ ФОРД—АҚШНИНГ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ

ВАШИНГТОН, 7 декабрь. (ТАСС). Конгресснинг вакиллар палатаси Жеральд Рудольф Фордни Америка Қўшма Штатларининг вице-президенти қилиб тасдиқлади. Илгари унинг бу мансабга тайинланишини сенат ҳам маъқуллаган эди.

Вакиллар палатасида овозга қўйилганидан кейин янги вице-президентни дарҳол қасамёд қилдириш маросими ўтказилди. Маросимда АҚШ президенти Р. Никсон, ҳукумат аъзолари ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди.

Польша шаҳарлари кўчаларида қулай ва кўркам «Елч» автобуслари тез-тез учрайдиган бўлиб қолди. Замонавий бу автобуслар Вроцлов яқинидаги Елч шаҳарчасида тайёрланади. Ҳозир республикада саккизта автозавод ишлаб турибди. Уларда 70 хилга яқин автомобиллар тайёрланади. Суратда: «Елч» автозаводи цехида.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

10 ДЕКАБРЬ — ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Совет Армияси жангчилари учун кўрсатув. 18.55 — Оламда нима гап? 19.15 — «Ахборот». 19.30 — **Узбекистон ССР Ватанга рапорт беради.** Кўрсатувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов иштирок этади (Москва). 20.20 — Нафосат оламида. 20.50 — «Ахборот». 21.10 — Партиями, Ватанни шарафлаймиз. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 22.00 — Ҳужжатли фильм. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 12.35 — Янгиликлар. 12.45 — **Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси** (бадиий фильмнинг 8-серияси). 17.00 — Янгиликлар. 17.10 — Салом, қиш! 17.25 — Ўқув кўрсатуви. 18.00 — Ўсмирлар учун кўрсатув. 18.30 — Эстрада концерти. 19.30 — **Узбекистон ССР Ватанга рапорт беради.** Кўрсатувда Узбекистон Компартиясининг Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов иштирок этади. 20.20 — Концерт. 20.40 — **Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси** (бадиий фильмнинг 9-серияси). 22.00 — Еш томошабинлар театрларининг халқаро ташкилоти вакиллари — студиямиз меҳмони (Тошкент). 22.30 — Спорт программаси. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

11 ДЕКАБРЬ — СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.10 — Кинофильм. 18.20 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.50 — Халқ контроли экрани. 19.20 — «Ахборот». 19.35 — Ўн минут музика. 19.45 — Замондошларимиз — қаҳрамонларимиз. 20.40 — «Ахборот». 21.00 — Санъат усталари. Ҳалима Носирова. 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — Фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — МОСКВА. 18.30 — Концерт. 19.00 — «Безаклар». 19.30 — Инсон ва қонун. 20.00 — Телефильм. 20.40 — СССР Олий Совети депутатлари ҳисоби қиладилар. 20.50 — **Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси** (бадиий фильмнинг 10-серияси). 22.00 — ТОШКЕНТ. 22.30 — Кинокўрсатув. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телефильм. 19.30 — Ўқув кўрсатуви. 20.40 — **Бўрилар ва қўйлар** (фильм спектаклнинг 1-серияси).

12 ДЕКАБРЬ — ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Мультфильм. 18.45 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — СССР Олий Совети депутатлари ҳисоби қиладилар (Москва). 19.50 — «Мардлик — мангулик». 20.20 — Миллионлар ленинча университети. 20.35 — Ўн минут музика. 20.45 — «Ахборот». 21.05 — Еш ижрочилар концерти. 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — Фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатуви. 18.30 — МОСКВА. Концерт. 19.00 — Рассом ижодхонасида. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 19.50 — Концерт залида. 20.45 — Бизнинг муқобил план. 20.50 — **Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси** (бадиий фильмнинг 11-серияси). 22.00 — ТОШКЕНТ. Тошкент области шаҳарларининг эстафетаси. 22.30 — **Қизжибек** (бадиий фильмнинг 1-серияси). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телефильм. 19.30 — Ўқув кўрсатуви. 20.10 — Фильм-концерт. 20.40 — **Бўрилар ва қўйлар** (фильм-спектаклнинг 2-серияси).

13 ДЕКАБРЬ — ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — Мультфильм. 18.15 — «Ахборот». 18.30 — МОСКВА. **Футбол: «ТОТТЭНХЭМ»** (Англия) — «ДИНАМО» (Тбилиси). 20.00 — Миллионлар ленинча университети. 20.30 — ТОШКЕНТ. Шеърият муҳлисларига. 20.40 — «Ахборот». 21.00 — Концерт. 23.00 — МОСКВА. «Вақт». 23.30 — Фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.50 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.20 — Стандарт ва сифат. 19.50 — Ўн минут музика. 20.00 — **Освенцим хотиралари** (адабий театр). 20.30 — МОСКВА. Концерт. 20.50 — **Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси** (бадиий фильмнинг 12-серияси). 22.00 — ТОШКЕНТ. «Здоровье». 22.30 — **Қизжибек** (бадиий фильмнинг 2-серияси). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Бадиий фильм. 20.40 — Беш йиллик маршрутлари бўйлаб. 21.00 — Ҳужжатли фильм.

14 ДЕКАБРЬ — ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.40 — Мультфильм. 18.50 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.20 — Музикали кўрсатув. 20.00 — «Ахборот». 20.15 — «Наштар» — студиямиз меҳмони. 20.55 — «Ахборот». 21.15 — Баҳор давлат рақс ансамблининг концерти. 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — Фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.30 — МОСКВА. Телефильм. 18.40 — «Изланиш». 19.10 — Еш овозлар 20.30 — **Овчи хотиралари** (телеспектакль). 22.00 — «Азимут». 22.30 — **Қотилликда айбланадилар** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телефильм. 20.20 — Тошкентнинг бугуни ва эртаси. 20.40 — **Ҳеч ким ўлишни истамади** (бадиий фильм).

15 ДЕКАБРЬ — ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Мультфильм. 10.20 — Экран хандаси. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Болалар учун кўрсатув. 11.40 — Ҳужжатли фильм. 12.10 — Мультфильмлар. 12.40 — «Шеърият». 13.00 — Ота-оналар, сизлар учун. 13.30 — Концерт. 14.00 — «Здоровье». 14.35 — Бадиий ҳаваскорлар концерти. 15.20 — **Эртан ҳақида эртак** (бадиий фильм). 16.15 — Нефть саноати министри В. Д. Шашин сизларнинг саволларингизга жавоб беради. 16.45 — ТОШКЕНТ. 16.50 — «Звездочка». 17.30 — «До-ре-ми-фа-соль». 18.00 — «Ахборот». 18.15 — **Дўст сўзи** (адабий театр). 18.55 — Халқаро панорама (Москва). 19.55 — Илмий оммабоп фильм. 20.10 — «Ахборот». 20.30 — «ЧАШМА». 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — Фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 14.00 — **Чавандозлар** (бадиий фильм). 16.45 — МОСКВА. **Хайвонот оламида.** 17.45 — Ўсмирлар учун кўрсатув. 18.55 — Ҳужжатли фильм. 19.55 — **Тонг отишга бир соат қолганда** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 21.15 — «Голубой огонёк» саҳифаларида. 22.00 — ТОШКЕНТ. Тарих саҳифалари. 22.30 — Мамлакат олий ўқув юртлари минватюра театрларининг фестивали. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

16 ДЕКАБРЬ — ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — «До-ре-ми-фа-соль». 10.10 — Соғлом танда — соғ ақл. 10.20 — Ёзувчилар — болаларга. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — «Будильник». 11.40 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.40 — Телеспектакль. 13.15 — Музикали киоска. 13.45 — Қишлоқ янгиликлари. 14.45 — Москва академик хореография билим юрти — 200 ёшда. 16.00 — Мультфильм. 16.25 — ТОШКЕНТ. 16.35 — Кинопрограмма. 17.05 — «Мавжнола» программаси. 17.35 — «Ахборот». 17.50 — Диққат, старт! 19.20 — «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуков телетомошабинлар саволларига жавоб беради (Москва). 19.50 — Ўн минут музика. 20.00 — «Ахборот». 20.15 — **Экран хандаси.** 20.55 — МОСКВА **Хоккей:** СССР — ШВЕЦИЯ. 23.30 — Музикали программа. 24.00 — «Вақт». ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 14.30 — «Замандас» программаси 16.25 — МОСКВА. **Киносаҳнатчилар клуби.** 17.25 — Биз қандай мусобақалашамиз. 17.35 — Қўшиклар. 18.20 — Эстрада артистларининг Бутуниросия конкурси 19.20 — Ҳужжатли фильм. 19.50 — **Тонг отишга бир соат қолганда** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 20.55 — ТОШКЕНТ. Киноэкран янгиликлари. 21.25 — Цирк программаси. 22.00 — **Кутилмаган меҳмон** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

Ўзбекистон Ахборот

ХОРАЗМ

Мутафаккир

олим ва гуманист Беруний ҳақида суратга олинаётган янги фильм қадимий Хивада яратилмоқда. «Ўзбекфильм» киностудиясининг бир группа ижодий коллективи суратга олаётган мазкур фильм рангли, кенг экранли ва икки серияли бўлади. Фильмга таниқли режиссёр Шуҳрат Аббосов бошчилик қилмоқда. Фильмда Берунийнинг жамиятда тутган ўрнига катта ўрин берилган. Бош қаҳрамон ролини республикада хизмат кўрсатган артист Пўлат Саидқосимов ижро этади. Олимнинг севгилиси Райҳон ролида тоҳжик артисткаси С. Исаева ўйнамоқда. Шунингдек янги экран асарида Р. Ҳамроев, Т. Шокирова, Т. Раҳимов ҳамда Оғаҳий номли область музикали драма ва комедия театрининг ижодий коллективи ҳамкорлик қилмоқда.

Ибн Сино

музейи Хивага ташриф буюраётган сайёҳларнинг эътиборини тортмоқда. Музейда Беруний ва бошқа машҳур олимларнинг қадимий қўлёзмалари, медицина тарихига оид қимматли ҳужжатлар, маданият ва тиббиёт фани тараққиёти баён этилган илмий асарлар бор. Бундай музей фақат Ригада мавжуд бўлиб, Хивадагиси иккинчи ҳисобланади. Музейнинг эсдаликлар дафтари ҳам тўлиб бормоқда. Унда нью-йорклик сайёҳ Артур Розинтам ўз таассуротларини қуйидагича баён қилибди: «Мен бу музейда кўпгина қимматли фактларга дуч келдим. Ходимларининг ибратли ишлари кўриниб турибди. Уларнинг ютуғини қутлаш лозим».

Шамол

билан ҳаракатга келувчи антиқа машина областда илк марта синовдан ўтди. Сувда, ботқоқликда, музлинда ва қорда эркин юра оладиган бу машина соатига 50-70 километр тезликда йўл босади. Аэрочана деб аталаётган ҳаво парпаракли бу машинада пассажир ҳамда юк ташиш мумкин. Янги машина Тулмўйин гидроузели қурилишида қўл келмоқда. Машинани қурувчиларга аэрочана-амфибия тайёрловчи завод коллективи етказиб берди. Машинадан Тулмўйинда ва бошқа ирригация қурилишларида кенг фойдаланиш мумкинлиги тажрибада кўринди. Завод зарбдор қурилиш буюртмасига кўра «мўъжизакор» машинадан келгуси йилда тағин етказиб беради.

Қўш унвонли

бўлиш Қўшкўпир районидаги Олтибой Қурбонов номли совхоз аъзоси Дурдипошшага насиб қилди. Д. Еқубова биринчи унвон — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олишга 1949 йили мушарраф бўлган эди. Ушандан бери қарийб чорак аср ўтди. Яқинда Еқубованинг хонадонида яна бир шодиёна бўлди. Ҳамқишлоқлари уни муборакбод этишди. Бу гал Дурдипошша «Қаҳрамон она» унвонига сазовор бўлган эди. Ун болани тарбиялаётган меҳрибон она фарзандларига парвоналиги билан бахтиёр.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Тошкент кўчаларида йўл ҳаракатини бошқариб турувчи қизлар пайдо бўлишди. Суратда: милиция кичик сержанти, давлат автоинспекциясининг йўл назоратчи инспектори Ранса Ҳасаншина.

И. Глауберзон фотоси.

«НУКУС» МЕҲМОНХОНАСИ

Қорақалпоғистон пойтахти яна бир кўркам бино билан гўзаллашадиган бўлди. Бўлажак бино Нукусдаги барча иморатлардан баланддиги ва сервиқорлиги билан ажралиб туради. Энди қуриладиган меҳмонхона лойиҳаси муаллифи А. Подлиновнинг айтишича қарағанда янги бино бир йўла 300 кишини ўз бағрига олар экан.

Меҳмонхона қорақалпоқ диёрининг пойтахти номи билан «Нукус» деб аталадиган бўлди. Мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан Нукусга келган меҳмонларнинг дам олиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинади. Бино лойиҳаси замонавий меъморчилик санъати талаблари асосида яратилган. Меҳмонлар учун бир кишилик, икки кишилик хоналар ажратилади. Алоҳида шинам ва файзли люкс номерларга телевизор ҳам ўрнатилади. Аёзли кунларда иситилса, ёз-саратон кезлари хоналарнинг ҳавоси мўътадиллаштирилади. Янги бинода, шунингдек, лифт хизмати йўлга қўйилади. Телефонлаштирилган барча хоналарда радио репродукторлардан майин куй таралиб туради. Ресторан ва ошхоналарида миллий ва европача таомлар тайёрланади. Меҳмонхона пешайвонидан атроф-манзарани томоша қилиш учун имконият яратилади.

Меҳмонхона қурилиши шаҳарнинг марказида бошланади. Унинг атрофида Қизкетган каналининг соҳили кўзга ташланиб туради. Мавжуд В. И. Ленин номидаги майдон-хиёбон канал бўйигача кенгайтирилади. Қурилиш ишларини олиб бориш 166-трест бинокорларига юкланган. Яқин келажакда қад ростлайдиган бу кўркам бино шаҳар ҳуснига-ҳуси бўлиб тушади.

М. ГОЛОВИН.

Суратда: бўлажак меҳмонхонанинг кўриниши.

Спорт янгиликлари

Хоккей. Тошкентнинг «Бинокор» командаси сафарда икки учрашув ўтказди. Тюменнинг «Рубин» командаси хоккейчилари билан ўтказилган кўш ўйинда бинокорчилар ғалабага эришиб, кейин ютқазиб қўйишди. Аввал 4:0 ҳисобида мағлубиятга учраб, такрорий учрашувда (7:5) ютуқ қўлга киритилди. Ғалдаги ўйинлар «Южный Урал» коллективи майдонида ўтди. Бу учрашувда ҳам ютуқ ва мағлубият — 2:5 ва 6:1 ҳисоби қайд қилинди.

Футбол. Жанубий Америка бўйлаб сафарини давом эттираётган СССР терма командаси аъзолари яна икки ўртоқлиқ учрашувида ўз маҳоратларини ишга солдилар. Футболчиларимиз Колумбиянинг «Америка» командаси билан учрашувда ғалаба қозондилар. Ютуқ келтирган ягона тўпни дарвозага Онищенко йўллади. Аммо командамиз «Насьонал» коллективига ютқазиб қўйди. Майдон эгалари 3:2 ҳисобида ғалаба қилдилар.

Енгил атлетика. Ленинобод шаҳарида маҳаллий «Тожикистон» кўнгиллик спорт жамияти марказий Совети кубоги учун мусобақалар ўтказилди. Спорт курашида фарғоналик бир группа енгил атлетикачилар совриндорлик учун куч синашдилар. Жумладан, вакилларимиздан В. Зотов 1500 ҳамда беш минг метрга югуришда муваффақият қозонди. Хотин-қизлар ўртасида С. Максимова 400 ва 800 метрга югуриш бўйича биринчиликни эгаллади. Ядро иргитишда Г. Кондрина мухлислар эътиборини қозонди.

Шифокорлар ҳақида ҳикоялар

БУНИ ОДАМИЙЛИК ДЕЙДИЛАР...

Бу сатрларнинг ёзилишига қўқонлик яқин дўстимнинг бетоблиги сабаб бўлди. У бир хатида қишлоқ касалхонасида ётганини ёзган эди. Бир ҳафтадан кейин иккинчи мактуби Тошкентдан — «Маъдан сувлар» шифохонасидан келганида негадир хаёлим бўлинди. Дарди оғирлашган шекилли, деган гумон бошимдан кетмасди. Эртасигаёқ йўлга тушдим. У бу шифохонага радикулитини даволатгани келган экан.

Дўстим шифохона табиати, табобатчилари, даволанувчилар ҳақида менга сўзлаб берди. Тун соат ўндан ошган. Бемаҳалда врач ҳузурига кириш ноқулай. Эртани кутай десам, ишга улгуролмайман.

— Юрақолинг, — илтимос қилдим дўстимдан. — Ҳозир бориб кўрмасам бўлмайди. Узр сўраймиз. Врач халқи бағри кенг бўлади.

Биз шифохонанинг хотин-қизлар корпусига кириб бордик. Коридорда навбатчига учраб, муддаомизни айтдик.

— У киши уйқудалар, — деди даб-дурустдан навбатчи. Биз яна иккиландик-у, бирибир хонасини суриштириб, бориб эшикни тақиллатдик. Ичкаридан аёл кишининг «Киринг» деган хастароқ товуши эшитилди. Ичкари кирдик. Хона иккига бўлинган. Ўнгда, одатдагидек, беморни ётқизиб кўрадиган қаттиқ диван. Иш столи ва стул. Стол устида касаллик тарихи варақалари...

Биз кўришни орзу қилган врачни бемор ўрнида кўриш ноқулай эди. Узр сўрадик. Педагог эканлигимни билиб. «Касбимиз бири бирига яқин экан» деб қўйди у. Кейин қўлтиқ таёқларини олиб ўрнидан турди.

БОШҚАЛАРНИНГ СОҒЛИҒИНИ ДЕБ...

Мен бировни фалокатдан қутқариб, ўзи ҳалок ёки майиб бўлганлар ҳақида кўп марта эшитганман. Ҳар иккаласи ҳам ғамгин, айни пайтда инсонлик номининг шарафи туфайлидир. Мен қўлтиқ таёқда букилиб, тик турган кекса қаҳрамонимиз қисматидан бир лавҳа сўзламоқчиман...

1968 йилнинг 14 декабри. Қиш совуқ келди. Ер қаттиқ музлаган. Ҳавонинг ковоғи солиқ, кулранг булутлар ҳўмрайиб қарайди.

Шифохонада врачлар беморлар боши устида парвона. Синчиклаб кузатсангиз улар фақат беморлар хизматида туришади. У чоқлар Дина опа сопа-соғ, бардам, тиниб-тинчим а с д и. «Маъдан сувлар» шифохонасида даволаш ишларининг масъули — бош врачнинг ўринбосари лавозимида ишларди. Ўзи даволаётган беморлардан бири бухоролик бўлиб, уни габиат нутқ ва эшитиш бахтидан маҳрум қилган эди. Шифохонада даволанаётганида ҳар куни бир парча қоғозни Дина Семёновнага кўрсатиб, нигоҳи билан илтижо қиларди. Қоғозда эса профессор Зулфия Умидованинг исм ва фамилияси битилган эди.

Асаб-инсон руҳий ва жисмоний ҳаётининг бошқарувчиси. Бундай кишининг илтимосини оқибатсиз қолдириш инсофдан эмаслигидан ташқари бу иш табобатга ҳам ҳалал етказиши мумкин.

Дина опа юқорида эслатилган куни беморни профессор З. Умидова қабулига олиб борди. Машҳур шифокор кўрсатмаларини олиб қайтаётганда... беморни «Тез ёрдам» машинасига чиқараётган пайтда Дина опа музга сирғалиб кетиб, чалқанчасига ерга йиқилди. Йиқилди-ю, бир умрга ногирон бўлиб қолди. Дина Семёновна Маргулиснинг умуртқа поғонаси шикастланган эди. Бу ҳодиса умрининг 65 йилида юз берди. Бу ногиронлик унинг продасини буколмади. У қўлтиқ таёқларда бўлса-да, қаддини тиклаб олди ва ўз умр машғулоти — табобатга қайтди.

* * *

Дина Семёновна 1934-1938 йилларда Одесса медицина институтининг даволаш факультетида таҳсил олди. У врачлик дипломи билан она шаҳрида учинчи йил хизмат қилаётганида Улуғ Ватан уруши бошланди. Бу уруш унинг ҳаётида ҳам ўз тамғасини қолдириб кетди. Дина-опа урушдан кейин қанчалик изламасин, ўз тугишганларининг ҳеч биридан дарак топмади.

Врач Маргулис Ўзбекистонга — Хоразмга кўчиб келди. Хивада ўн йил давомида гинеколог сифатида хизмат қилди. У шаҳар аҳолиси ўртасида санитария-гигиена ишларини яхшилаш йўлида катта жонбозлик кўрсатди.

1951 йилда Тошкент «Маъдан сувлар» шифохонасига асос солинди. Дина опа шифохона иш бошлаган кундан то 1968 йилнинг охирига қадар узлуксиз бош врач ўринбосари лавозимида ишлаб келди.

...1971 йилнинг октябрь ойи. Тонг. Дина опа қўлтиқ таёқларини ёнига қўйиб, шифохона ҳовлисидаги курсида ўтирибди. Дарахтлардан онда-сонда олтин ранг япроқлар узилиб, пирилдаб учгаича ерга қўнади. Табиатнинг барги-хазон фасли бошланаётир.

Дина Семёновна куз ҳақида ширин хаёлларга толаркан, шифохонанинг ғарбий қисмидаги бўш ерни чамалаб, бирдан кўзлари нурланиб кетди. Шу заҳоти миясига келган фикр қалбини тўққинлантириб юборди. У бўлажак бинони хаёлан тасаввур қила бошлади.

САХОВАТ ҚАСРИ

Дина опа ўз режасини бош врач Фозил акага айтди. Фозил Очилов бу режани табриклади.

— Хайрли ишни пайсалга солмайдилар, — деди Дина Семёновна. Шундай қилиб, «Маъдан сувлар» шифохонасида «Саховат қасри» қурилиши бошлаб юборилди.

Яқинда шифохонада бўлганимда бино ўзининг ажойиб кўрки билан қад кўтариб турарди. Шифохонага, қираверишда ўнгдаги йўлакка бурилсангиз, ҳиёбон сизни «Саховат қасри»га олиб боради. Ўнгдаги оқ-пушти рангли яп-янги корпус ўз салобати билан диққатингизни ўзига тортади. Палаталарнинг ҳар бири икки ва тўрт кишига мўлжалланган.

Дина Семёновна Маргулис ҳозир 70 ёшда. Иш адреси — «Маъдан сувлари» шифохонаси. Дина опа бутун умрини саломатлик тантанаси, ҳаёт тантанаси учун, ўз жамғармасини эса шифохонанинг янги корпуси — «Саховат қасри» қурилишига сарфлади. У ҳаётини ҳам, умр маҳсули, бойлигини — юрак қўрининг борини ўз севган касби — инсон саломатлиги посбонлигига бағишламоқда.

Мен Дина опа билан суҳбатлашиш учун Ленинободдан Тошкентга — «Маъдан сувлар» шифохонасига учинчи марта ташриф буюрдим. «Саховат қасри»га кираверишда икки мармар тахтачага ўзбек ва рус тилларида «Бу корпус Дина Семёновна Маргулис маблағи билан қурилган», деган сўзлар заҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган.

Мана, биз ана шу саховатли қалб эгаси билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. У гап орасида:

— Яна битта даволаш корпуси қурдиргим келади..., — деб қолди. Энди ҳар гал уни эслаганимда мухлислари йўллаган мактубдаги мана бу сўзлар ёдимга тушади: «Яхши одам билан бўлган ҳар бир учрашув кишини маънавий жиҳатдан бойитади».

В. РАҲМОНОВ,
Ленинобод-Тошкент.

ЯНГИ МУЗЕЙ

КИНОМИЗ ЙЎЛИ

Кино санъати ҳаётга тобора сингиб бормоқда. Ўзбек совет киноси ўз тараққиёт йўлини деярли республикамиз ташкил этилган кунлардан бошлади. Серқуёш ўлкамизда дастлабки кино асари яратилганлигига ҳам 50 йил бўлиб қолди. Ўзбекистонда «Ўзи ҳаракат қиладиган нурли расмлар пайдо бўлибди» деган шов-шув гаплар тарқалганида илк марта, гарчанд овозсиз бўлса ҳам фильм яратилганди.

Ўзбек киносининг тетаполси деб юритилувчи бу картина «Мусулмон қизи» номи билан ўзига хос довруг қозонганди. Дастлабки картина 1924 йили Бухоро Халқ Республикаси билан Ленинграддаги «Севзапкино» ташкилоти ҳамкорлигида майдонга келганди.

Экран санъатининг шундан кейинги тараққиёт йўлида ўзбек киносининг пионерларидан Х. Девоновнинг хизматлари катта бўлди, киномиз юксалишда ғайрат кўрсатди. У кишининг хайрли ишлари туфайли, қолаверса, кино санъатига астойдил берилганларнинг жонбозлиги билан 1925—1936 йилларда қатор фильмлар ғалереяси майдонга келди. Жумладан, «Ўлим минорасн», «Вахт қўнғироғи», «Равот қашқирлари», «Юксалиш», «Йигит» каби картиналарнинг баъзиси ўша даврда жаҳон экранларида ҳам намойиш этилди ва юқори баҳо олди 1936 йилдан бошлаб республикамизда овозли фильмлар юзага кела бошлади. «Қасам», «Азамат», «Асал» фильмлари ўзига хос ажойиб фильмлар қаторидан ўрин олди. Ҳаётий воқеаларга бойлиги билан эътибор қозонди. Улуғ Ватан уруши кезлари республикамиз ижодкорлари мамлакатимизнинг турли шаҳарларидаги студия коллективлари билан ҳамкорликда иш олиб боришди. Фронт ҳамда меҳнат лавҳаларини ўзида тўлақонли акс эттирган картиналар суратга олинди.

50-йиллардан бошлаб республикамиз киночилари катта ишларга қўл уришди. Экранга «Тоҳир ва Зуҳра», «Алишер Навоий», «Қутлуғ қон», «Абу Али ибн Сино», «Алангали йиллар» сингари нурли ленталар майдонга келдики, уларнинг айримлари мамлакатимиз, ҳатто чет мамлакатларда ҳам муҳлисларни ром этди. 60-йиллардан бошлаб суратга олинган кўпгина картиналар «Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти деб юритила бошланди. Бу даврда «Фавқулодда комиссар», «Ўтган кунлар», «Генерал Раҳимов», «Улуғбек юлдузи» каби бадиий ленталар яратилди

Республикамизда турли мавзуларда ҳам бадиий, ҳам ҳужжатли-оммабоп ва хроникал фильмлар яратиш давом этмоқда. Уларнинг мазмуни, савияси суратга олиш сифати тобора яхшиланиб бормоқда. Ўзига хос машаққатли, аммо завқли меҳнат кишиларнинг сафи ҳам кенгайиб борляпти. Бир вақтлар кино санъатимиз устозлари саналган Д. Басалиго, В. Високовский, М. Доронин, Н. Ганиев, Я. Протазанов каби экран усталари қаторидан К. Ерматов, И. Аъзамов, Л. Файзиев, М. Қаюмов каби ўзига хос саркорлар жой олди.

Хулласи, республикамиз кино санъати тараққиёти, унинг босиб ўтган йўли сермазмун ва кўпқирали. Шу боисдан ҳам киномиз катта йўлини акс эттирувчи музей ташкил этишга қарор қилинди. Музейнинг дастлабки ўзига яраша босқичи сифатида кўргазма барпо қилиниди. Кўргазма якинда республика пойтахтидаги «Спутник» кинотеатрида тантанали суратда очилди. Санъатсеварлар тўрт бўлимдан иборат кўргазма залларида «Ўзбекфильм»да яратилган дастлабки картиналар, ҳужжатли ва оммабоп фильмлар студиясининг ўтмиши кинофестиваллар ҳақида ҳамда кино санъати борасидаги турли хил экспонатлар билан танишдилар. «Ўзбек киноси дўстлик оиласида», «Ўзбек фильмлари жаҳон экранларида» каби бўлимлар мухлисларда катта қизиқиш уйғотяпти. Кўргазма бўлажак музейнинг дастлабки «қадам»и деса бўлади. Бўлажак музейнинг фонди, архиви, кутубхонаси ва баъзи экспонатлари тайёр. Уни ташкил этишимизда Ойбек номли республика тарих музейи ходимлари якиндан ёрдам бермоқдалар.

Э. ҚОДИРОВ,
Узбекистон ССР Давлат кинематография комитети ҳузуридаги кино санъати музейининг директори.



Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг янги ўқув корпуси биноси.

И. Глауберзон фотоси.

ОИЛА ҚУВОНЧИ

САМАРҚАНД. Бир йўла уч янги меҳмон — кичкинтойларнинг дунёга келиши ҳар қандай оилада ҳам катта шодиёнага сабаб бўлади. Самарқанд район «Ленинобод» колхози аъзоси Нарзи Убайдуллаева «бойиб» қолди десак муболаға бўлмас. Меҳрибон она яна уч фарзандли бўлди. Унинг ўн ўғил-қизлари қаторига уч эгизак ҳам қўшилди. Врач Е. Битоценко назоратидаги кичкинтойлар соғлом ва тетик ўсишяпти.

Ў. ТОШЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — **Ерти қулоқ** (телеспектакль). 10.20 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — «Будильник». 11.40 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.40 — Телеспектакль. 13.15 — Халқаро панорама. 13.45 — Музикали киоска. 14.15 — **Дубровский** (бадиий фильм). 15.30 — 1973 йил қўшиқлари. 16.00 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 17.00 — Қишлоқ янгиликлари. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — «Колокольчик» клуби. 18.35 — Қўғирчоқ фильм. 18.55 «Ахборот». 19.10 — Лутфий лирикаси. 19.30— **Геленминнатюралар.** 20.10 — «Ахборот». 20.30 — Дўстлар габриги. 21.00 — Концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 **Шум бола** (телеспектаклнинг 2-3-қисмлари). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 18.00 — МОСКВА. Мультфильмлар. 18.30 — Шу кунинг куйлари. 19.20 — Спорт программаси. 20.50 — **Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси** (бадиий фильмнинг 8-серияси). 22.00 — Ҳужжатли фильм. 22.30 — А. Новиковнинг ижодий кечаси. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/XII да **Доктор Айболит** (кундузи), **Концерт** (кечқурун, билетлар сотилган).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9/XII да **Замонали ва Омонали**, 10/XII да **Қайнона.**

КИНО

Мушук излари — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Сангам — НАВОИЙ номли (12.00, 16.00, 20.00).

Алиби учун ярим миллиард — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда); «ДРУЖБА» (жуфт соатларда); «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Қаллоб Цеплис — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (жуфт соатларда).

Қум карьери генераллари — Г. ҒУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Мармар уй — (10.00, 21.45). **Ўгай она** (12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00); «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Ҳамроз — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Яшасин севги! — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Иван Васильевич касбини ўзгартирмоқда — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Гитарали қаллоб — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

«ҚИШЛОҚ ҲАЕТИ» ВА «СЕЛЬСКАЯ ЖИЗНЬ» ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА БЎЛГАН ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Юқорида кўрсатиб ўтилган газеталар номининг ўзгарганлиги муносабати билан «ҚИШЛОҚ ҲАЕТИ» газетаси (индекс 64542)га обуна бўлганлар — «ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» газетасини, «СЕЛЬСКАЯ ЖИЗНЬ» газетаси (индекс 64583)га обуна бўлганлар — «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА» газетасини оладилар.

1974 ЙИЛГА ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЯНГИ ГАЗЕТАЛАРИ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» — «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА» ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА БЎЛИНГ.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РАЙОНИДА 25, 26 ДЕКАБРДА 1973 ЙИЛГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИНИНГ 6 ЧИҚАРИЛИШИ БУЙИЧА

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ УТКАЗИЛАДИ

Лотерея билетларини сотиб олинг!

ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАРИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ (Сапёрная кўчаси, 11-уй) Институт ташкил қилинганига 25 йил тўлиши муносабати билан институтни битириб чиққанларни 14 ДЕКАБРДА УЧРАШУВГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

ТОШКЕНТ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИ 25 ДЕКАБРЬ СОАТ 16.00 ДА ТЕХНИКУМНИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЮБИЛЕЙ КЕЧАСИНИ УТКАЗАДИ.

Ҳамма битириб чиққанлар таклиф қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Турқўрғон кўчаси, 45-уй. Телефон 48-07-21.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Р. 01889. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. 288.